

Ўқув-услубий мажмуа

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ЮРИДИК
КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАР БУЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ УҚИТИШ
МАРКАЗИ



ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

қайта тайёрлаш ва малака ошириш
йўналиши

“ЖИНОЯТ ОДИЛ СУДЛОВИНИНГ АСОСЛАРИ”

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Д.Суюнова – ТДЮУ Жиноят - процессуал ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар доктори

Такризчилар:

Д.Базарова – ТДЮУ Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика кафедраси профессори в.б., юридик фанлар номзоди

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети кенгашиининг 2020 йил ___ _____ даги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА:

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	21
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	71
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	78
VI. ГЛОССАРИЙ	91
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	103
VIII. ТАҚРИЗЛАР.....	105

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Тингловчиларда жинойт-ҳуқуқий фанлар ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу ҳуқуқ соҳасининг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш, шунингдек жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш, жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи институтларини танқидий таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарурий билимлар асосини таъминлаш, мантикий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, жиноят ва жиноят-процессуал муносабатларга оид қонунларни амалда қўллай олиш кўникмасини шакллантириш модулининг мақсад ва вазифаларини ташкил этади.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Жиноят одил судловининг асослари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- жинойт-хукукий фаолият соҳасига тегишли норматив-хукукий хужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;

- жинойт-хукукий фаолият соҳасига оид норматив-хукукий хужжатларни хукукий усул ва воситаларини;

- ўқув жараёнида назарий тайёргарликни хукукни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни ва суд-хукук тизимини модернизация қилиш ҳақидаги маълумотларни билиши керак.

Тингловчи:

- жинойт-хукукий фаолият соҳасига тегишли фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- жинойт-хукукий фаолият соҳасига оид қонунчилик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўқув жараёнида қўллаш олиш;

- жинойт-хукукий фаолият соҳасига тегишли фанларни ўқитишда замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш;

- хукукий фанларни ўқитишда таълим беришнинг модулли тизимдан кенгрок фойдаланиш;

- хукукий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- хукукий фанларни ўқитишда амалиёт материалларидан кенгрок фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;

- республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги хукукий фанларга тегишли илмий ютуқларни, махсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;

- хукукий фанлар доирасида тақдимотлар яратиш, мустақил ва масофавий таълимни ташкил этишда видео маърузаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- жинойт-хукукий фаолият соҳасига тегишли норматив-хукукий хужжатларни шарҳлаш;

- жинойт-хукукий фаолият соҳасига тегишли амалиёт материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- жинойт-хукукий фаолият соҳасига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қила олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- жинойт хукуқи ва процесси, шунингдек юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларни фундаментал, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлаш;

- ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг хукукни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни

таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш, махсус фанларини ўқитишда казус ва муаммоли саволлар тузиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жиноят одил судловининг асослари” модули маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- жиноят, жиноят-процессуал фанидан муаммоли вазият асосида дарс машғулотини олиб бориш, шахснинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилишини ўргатиш, содир этилган жинояти юзасидан суд жараёнини олиб бориш тартибини намоён этиш, суд қарорларини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ хусусиятларни таҳлил қилиш;

- жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатларидан фойдаланиш, уларни тузишни ўрганиш бўйича амалий машғулотларини ўтказиш;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда кўчма машғулотлар тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Жиноят одил судловининг асослари” модули ўқув режадаги “Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар” ва “Маъмурий-ҳуқуқий фанлар” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар жиноий-ҳуқуқий муаммоларини аниқлаш ва уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий ўқув юклариси Соатлари			
		Жами	Аудитория ўқув юклариси		
			Назарий	Амалий	Кўчма машғулот
1.	Замонавий жиноят ҳуқуқи ривожланишининг умумий қоидалари. Жиноят қонунчилигининг асослари	6	2	4	
2.	Жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш тўғрисидаги билимларни шакллантиришдаги ёндашувлар	2	2		
3.	Судга қадар босқичида суд назоратини амалга ошириш	4	2	2	
4.	Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш	4		2	2
5.	Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текшириш масалалари	6	2	2	2
6.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича замонавий талаб ва стандартлар	4	2	2	
Жами		26	10	12	4

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Замонавий жиноят ҳуқуқи ривожланишининг умумий қоидалари. Жиноят қонунчилигининг асослари

Жиноят ҳуқуқи фани тушунчаси, мазмун-моҳияти, модулни ўқитиш методологиясининг бошқа юридик фанларидан фарқли жиҳатлари. Жиноят ҳуқуқ фанидан дарс машғулоти учун манбалар излаш.

2-мавзу. Жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш тўғрисидаги билимларни шакллантиришдаги ёндашувлар

Жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш асослари, мавзуни ўқитиш методологиясининг хусусиятлари. Айбдорнинг жиноий ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо беришни ўргатиш. Мавзуга оид мавзуларни излаш. Мавзуга доир муаммоли вазиятни оғзаки муҳокама қилиш.

3-мавзу. Судга қадар босқичида суд назоратини амалга ошириш

Судга қадар босқичида суд назоратининг асослари ва одил судловнинг шаффофлигини таъминлашдаги роли. Суд назорати мавзусини ўқитишда соҳадаги тажрибали мутахассислар фаолиятини таҳлил қилиш. Саволлар тузишда манбалардан фойдаланиш методикаси.

4-мавзу. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тушунчаси. Жиноят процессида ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни манбалар асосида таҳлил қилиш. Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўргатишда ролли ўйинлар методидан фойдаланиш.

5-мавзу. Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текшириш масалалари

Суд қарорларини қайта кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш. Мавзуни ўқитишда тажрибали амалиётчиларни жалб этишдан фойдаланиш. Муаммоли вазиятни муҳокама қилишнинг асосий мезонлари. Муаммоли вазият асосида талабанинг билимини аниқлаш.

6-мавзу. Коррупцияга қарши курашиш бўйича замонавий талаб ва стандартлар

Коррупцияга қарши курашишнинг тушунчаси, мазмун моҳияти. Коррупцияга қарши курашиш бўйича хорижий тажрибани манбалар асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш. Муаммоли савол тузишда суд материалларидан фойдаланиш.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

Жиноят процессида ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни манбалар асосида таҳлил қилиш. Процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўргатишда ролли ўйинлар методидан фойдаланиш.

Суд қарорларини қайта кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш. Мавзунини ўқитишда тажрибали амалиётчиларни жалб этишдан фойдаланиш. Муаммоли вазиятни муҳокама қилишнинг асосий мезонлари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Қуйидаги шаклларда таълим бериш кўзда тутилган:

- бинар маъруза, бит дарс, дебатлар, вебинар;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг;
- кичик маърузалар ва суҳбатлар (диққатни жамлаш ва ахборотни қабул қилиш қобилиятини шакллантиради);
- кластер, синквейн (ахборот ёки бирон-бир тушунчани қисқа баёнини тузиш кўникмани шакллантиради);
- кичик гуруҳларда ишлаш, бумеранг (материални мантиқан тизимли, муаммоли баён этишни ривожлантиради);
- блиц ўйин, қора қути (аниқ муаммоли вазиятни таҳлил қилиш, камчиликлар сабабини йўл-йўлакай аниқлашга йўналтирилади).

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Рахбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июндаги “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу маъсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги маърузасидан [http://uza.uz/oz/politics/qonun va adolat-ustuvorligini taminlash-barcha-ezgu-ma-sadlar-13-06-2017?sphrase_id=2579526](http://uza.uz/oz/politics/qonun_va_adolat-ustuvorligini_taminlash-barcha-ezgu-ma-sadlar-13-06-2017?sphrase_id=2579526).

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722) - сони.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов

самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони.

III. Махсус адабиётлар

1. Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Дарслик / Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 824 б.

2. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув кўлланма Т.: ТДЮИ, 2016. – 379 б.

3. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 662 б.

4. Базарова Д. Адвокат как участник в досудебных стадиях уголовного процесса: монография/ Д.Б. Базарова; Рецензенты: Б.Б. Хидоятлов, Рец. Д.М. Миразов; ТГЮИ. - Т.: Extremum press, 2011. - 192 с.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.norma.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.law.uk.edu>
5. <http://www.legislature.ru>

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Материални оғзаки баён қилиш методи

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида ўқитувчи нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқитувчининг тингловчилар фаолиятига раҳбарлиги мавзунини қўйиш, режани эълон қилиш, тингловчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

Сухбат методи

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни: улар эътиборига ҳавола этилаётган саволнинг моҳиятини англаш, мавжуд билимлар ва тажрибани сафарбар қилиш, саволга оид объектларни ўзаро таққослаш, пухта ўйлаш ва саволларга тўғри жавоб тайёрлашдан иборат. Ўқитувчининг раҳбарлиги: мавзунини қўйиш, саволларни ифодалаш, берилган жавобларни тузатиш, тўлдириш ва умумлаштириш каби ҳолатларда намоён бўлади. Сухбат методи ёрдамида билимларни ўзлаштиришда тингловчилар мавжуд билимлари ва тажрибаларига таянадилар

“SWOT-таҳлил” методи


Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• КУЧЛИ томонлари
W – (weakness)	• занф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар



“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).



“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур

технологиядан маъруза машғулотида, ўтилган мавзунини сўрашда, унга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклифи этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдирот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотида қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунини

ёритилган инпут-матнни таркатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёиш этилади;

- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалядилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1- матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт яқунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган таркатмалар берилади (индивидуал ёки

гуруҳли тартибда);

- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёниш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1”

балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.


7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Мунозара” методи

Таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Тингловчилар томонидан “ўз сўзи” ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида тингловчилар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда тингловчилар ўз фикрларини ишонч билан очик айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари лозим.

Масалан: Маъмурий ихтиёрийлик маъмурий ҳужжат қабул қилишга қандай таъсирқилади?



“Пинборд” методи

Пинборд инглизчадан: pin – мустаҳкамлаш, board –доска маъносини билдиради. Бу усулда мунозара ёки суҳбат амалий усул би-лан боғланиб кетади. Метод мақсади ривожлантирувчи ва тарбияловчи вази-фасини бажариш. Бунда тингловчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма ра-вишда баён этиш маҳорати, мушоҳада қилиш ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio – портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текши-риш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Тингловчилар гуруҳи, тинглов-чилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Муаммоли метод

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1. Замонавий жиноят ҳуқуқи ривожланишининг умумий қоидалари. Жиноят қонунчилигининг асослари

Режа:

1. Жиноят ҳуқуқи фани тушунчаси, предмети, вазифалари ва методлари.
2. Жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва унинг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқаси.
3. Жиноят ҳуқуқи тизими. Умумий ва махсус қисмлар:
4. Жиноят қонуни принциплари.

1. Жиноят ҳуқуқи фани тушунчаси, предмети, вазифалари ва методлари.

жиноят ҳуқуқи фани тушунчаси – жиноят ва жазо ҳақидаги фан бўлиб, ушбу соҳада юзаган келадиган ижтимоий муносабатларни ўрганеди ва тартибга солади.

жиноят ҳуқуқи предмети – жиноят, жиноий жавобгарлик, жазо ҳамда жазо тайинлаш, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, судланган ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ташкил этади.

жиноят ҳуқуқи вазифалари – жиноят ҳуқуқи вазифалари бевосита жиноят қонуни (кодекс)да назарда тутилган қазифалардан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат:

1. Жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш;
2. Жиноятларни олдини олиш;
3. Қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш.

Ушбу вазифалар амалга оширишда жиноят қонуни принципларига сўзсиз амал қилиш талаб этилади.

жиноят қонуни принциплари: қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларидир.

методлар – бу жиноят ҳуқуқини самарали ўзлаштириш усул ва услубларига айтилади.

жиноят ҳуқуқи методикаси жиноят-ҳуқуқий тушунча ва ходисаларни ўрганишда қўлланиладиган усул ва воситалар йиғиндисини, тизимини ифодалайди. Фалсафий метод ҳисобланган диалектик метод билан биргаликда яна бошқа методлардан ҳам фойдаланиш лозим. Бундай методларга қуйидагилар киради: ЖК нормаларининг санкция ва диспозициясини ишлаб чиқишда қўлланиладиган **юримдик метод**; сон кўрсаткичлари орқали жиноят-ҳуқуқий тушунчалар ва ходисаларни сифатий хилма-хиллигини кўрсатишга имкон берувчи **статистик метод**; аҳоли орасида сўровлар ўтказиш орқали жиноят ҳуқуқининг турли жиҳатларини ўрганишда қўлланиладиган **социологик метод**; жиноят ҳуқуқининг жиноят қонуни, принциплари, жиноят, бир қанча жиноятлар содир этиш, иштирокчилик, жинойий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш каби институтларни система, яъни бир неча элементлардан иборат бўлган яхлит бир бутунлик сифатида ўрганишга имкон берадиган **тизимли метод**; қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва илмий тадқиқот мақсадларида турли давлатларнинг ҳуқуқ тизими ва қонунчилигини солиштиришга имкон берадиган **киёсий-ҳуқуқий метод**; қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ўтмиш тажрибасидан фойдаланишга ёрдам берадиган **тарихий метод** ва бошқалар.

2. Жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва унинг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқаси.

Жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва унинг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқаси:

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тизимидаги бир қатор фанлар билан бевосита боғлиқдир. Айниқса **жиноят-процессуал ҳуқуқи, кримнология, криминалистика, жиноят-ижроя ҳуқуқи** фанлари билан бевосита боғлиқдир. Бу юқорида айтилган фанларнинг жиноят ҳуқуқи билан боғлиқлиги энг аввало, улар вазифаларининг умумийлигида, яъни жиноятчиликка қарши курашнинг умумийлигидадир. Ана шу юқорида айтилган фанларнинг норма ва қоидалари фақат жиноят факти содир этилиши муносабати билан ҳаракатга келади. Аммо уларнинг ҳар бирининг ўзи тартибга соладиган предмети ва услубига эга. **Жиноят ҳуқуқи** содир этилган қилмишнинг жиноят эканлигини аниқлаш ва шу жиноят учун жазо тайинлашни тартибга солса, **жиноят процессуал ҳуқуқи** содир этилган жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов органларининг суриштирув ва тергов ишларини олиб бориш ишни судда кўриш билан боғлиқ бўлган

фаолиятини тартибга солади. **Жиноят ижроия ҳуқуқи** эса, жиноят содир этганлиги муносабати билан жиноий жазога ҳукм қилинганларнинг жазосини ижро этишдан келиб чиққан муносабатларни тартибга солади. **Жиноят ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқи, кримнология, кримнаристика ва жиноят-ижроия ҳуқуқи** фанлари учун моддий фан ҳисобланиб, бу фанлар ўз бошланғич асосларини жиноят ҳуқуқидан олади.

Жиноят ҳодисаси жиноят -ҳуқуқий нуқтаи назардан олинганда, бу ҳодиса инсон томонидан жиноят қонуни билан тақиқланган актни содир қилиш деб баҳоланади ва бу фақат жиноят ҳуқуқида ишлаб чиқилади. Содир этилган қилмишга жиноят таркиби қоидалари тадбиқ этилиб, жиноят таркибининг тўртта томони, яъни жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонлари таҳлил қилиниб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддаси белгиларига таққослаб кўрилади ва ўша моддада назарда тутилган жиноят содир этилган деб ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи маълум даражада **маъмурий ҳуқуқ** билан боғлиқдир. Маъмурий ҳуқуқ маъмурий ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солса, жиноят ҳуқуқи жиноий ҳуқуқ бузишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларида муайян қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс яна шундай қилмишни содир қилса қилмиш жиноятга ўсиб чиққан ҳисобланади ва шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

3. Жиноят ҳуқуқи тизими. умумий ва махсус қисмлар:

Жиноят ҳуқуқи (унинг шакли сифатида Жиноят кодекси ҳам) икки қисмдан — **Умумий ва Махсус** қисмлардан ташкил топган.

Умумий қисми жиноят ҳуқуқининг умумий қоидалари ва принципларидан иборат. Жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми иккита асосий тушунча билан боғлиқ бўлиб, улар жиноят ва жазо тушунчаларидир. Қонун Жиноят кодексининг вазифалари ва принципларини; жиноят қонунининг ҳудуд ва вақт бўйича амал қилиш кучини; жиноий жавобгарликнинг асосларини белгилайди; ҳар бир фан тармоғи ўзига тегишли соҳага тушунча беради ва жиноят ҳуқуқи ҳам жиноятларни туркумларга ажратади (таснифлайди); айб ва унинг шаклларини белгилайди; жиноий жавобгарликка тортилиш ёшини ва жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди; қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар доирасини белгилайди ва уларнинг мазмунини

очиб беради; жиноят босқичлари ва иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг таснифини беради; жазонинг мақсади ва ҳар бир жиноий жазонинг тизимини бериб, ҳар бир жазонинг мазмунини очиб беради; жиноий жавобгарлик ва жазо тайинлаш ҳамда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг мазмунини очиб беради; вояга етмаганларнинг жавобгарлигини алоҳида ажратиб белгилайди ва ниҳоят тиббий йўсиндаги мажбуурлов чораларини белгилайди.

Махсус қисми алоҳида жиноятлар ва шу жиноятларни содир этганлик учун тайинланадиган жазоларни белгилайди. Жиноят ҳуқуқи ана шу икки қисмдан иборат бўлсада Умумий ва Махсус қисмлари бир биридан алоҳида мустақил ҳуқуқ соҳалари бўлмасдан, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган бир бутун ягона жиноят ҳуқуқини ташкил этади. Уларнинг ягоналиги вазифаларининг бирлигида ва бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигидадир. Жиноят ҳуқуқининг Махсус қисмида алоҳида жиноятлар ва шу жиноятни содир қилганлик учун жазо белгиланган бўлса, Умумий қисми моддаларида Махсус қисми моддаларининг амалда қўлланиш қоидалари ўз ифодасини топган. Қисқа қилиб айтганда, Умумий қисмининг моддалари Махсус қисми моддаларининг амалда қўллашнинг калити ҳисобланади. Улар ҳаётда амалда тадбиқ этишда биргаликда қатнашади. Жиноят кодексининг Умумий қисмининг нормаларига муурожаат қилмасдан Махсус қисмининг нормаларини амалда тадбиқ этиб бўлмайди, Умумий қисмининг нормаларини амалда тадбиқ этилиши эса фақат Махсус қисми нормалари орқали амалга оширилади. Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқи Умумий ва Махсус қисмларининг ягоналиги уларнинг вазифаларининг бирлигида, яъни шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан кўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашдаги вазифаларининг бирлигида ифодаланади.

4. Жиноят қонуни принциплари.

Жиноят қонуни принциплари: қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларидир.

конунийлик принципи — ЎзР ЖК 4-моддасида жиноят ҳуқуқининг конунийлик принципи берилган бўлиб, содир этилган қилмишнинг жиноийлигини, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи — ЎзР ЖКнинг 5-моддасида фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги принципи берилган бўлиб, унда жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар дейилади.

демократик принципи — ЎзР ЖК нинг 6-моддасида жиноят ҳуқуқининг демократик принципи баён қилинган. Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоалар жиноят содир этган шахснинг ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

инсонпарварлик принципи — ЎзР ЖК нинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

одиллик принципи — Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига айбнинг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлишидир.

айб учун жавобгарлик принципи — шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий ҳавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлишидир.

жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи — муайян жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Назорат саволлари:

1. Жиноят ҳуқуқининг предмети айтинг.
2. Жиноят ҳуқуқининг вазифалари нималардан иборат.
3. Жиноят ҳуқуқининг муҳофаза қилувчи, огохлантирувчи ва тарбияловчи муҳокама этинг.
4. Жиноят ҳуқуқи манбаларини айтинг.
5. Жиноят ҳуқуқининг принциплар тизимини тавсифлаб беринг.

6. Жиноят ҳуқуқида қандай конституциявий принциплар мужассамлашган.

7. Қонунийлик принципига кўра шахсни жиноий жавобгарликка тортиш асосини тавсифлаб беринг.

8. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ҳуқуқ аналогиясини қўллаш имкониятларини муҳокама этинг.

9. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципнинг моҳияти ва аҳамиятини муҳокама этинг.

10. Демократизм принципнинг моҳияти ва аҳамиятини муҳокама этинг.

2. Жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш тўғрисидаги билимларни шакллантиришдаги ёндашувлар

Режа:

1. Жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш асослари, мавзунини ўқитиш методологиясининг хусусиятлари.
2. Айбдорнинг жиноий ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо беришни ўргатиш.

1. Жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш асослари, мавзунини ўқитиш методологиясининг хусусиятлари

Жиноий жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлаш учун шахс ЖК Махсус қисмининг айнан қайси нормасини бузганлигини аниқлаш лозим. Бунда содир этилган қилмишнинг жиноят таркиби ЖК Махсус қисмида назарда тутилган ёки тутилмаганлигини аниқлаш лозим. Бу жараён жиноятни квалификация қилиш жараёни деб аталади.

Жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилади.

Тор маънода квалификация қилиш жиноят-ҳуқуқий нормаларга мувофиқ келувчи ижтимоий хавфли қилмишнинг ҳуқуқий баҳосидир.

Кенг маънода квалификация муайян мантиқий жараён бўлиб, Жиноят кодекси. Махсус қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсининг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш бўйича муайян шахсларнинг фаолиятидир. Жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллашнинг алоҳида босқичлари жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят қонунини шарҳлаш, жиноят қонунининг вақт бўйича ва ҳудудда амал қилиши, жиноятларни квалификация қилиш, жазо тайинлаш ва ундан озод қилиш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, судланганлигини олиб ташлаш ва бекор қилиш ва шу каби бошқа махсус номларни касб этди. Жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллашнинг илмий асослари билан юристларни таништириш, уларга назарий билимлар бериш ва амалий фаолиятга тайёрлаш жараёнидаги асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Квалификациялашнинг мақсади ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос мавжудлигини аниқлашдир.

Содир этилган жиноятни тўғри квалификация қилишни таъминлаш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Жиноятни квалификация қилишда содир этилган қилмиш юридик таҳлил қилинади: тажовузнинг объекти аниқланади, унинг конкрет белгилари тавсифланади, объектив ва субъектив томонлари, субъектини характерлайдиган белгилари аниқланади. Бундай таҳлил содир этилган қилмишда қандай жиноятнинг таркиби мавжудлиги ва ушбу қилмишни содир этган шахсни ЖКнинг қайси моддаси билан жавобгарликка тортиш мумкинлиги ҳақида бир фикрга келишга ёрдам беради.

Квалификация масаласи жуда муҳим амалий аҳамиятга эга. Квалификация қилиш муаммолари суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва адвокатда ҳар бир жиноят иши юзасидан вужудга келади. Ҳар қандай жиноят ишини тергов қилиш босқичида ҳам судда кўриш даврида ҳам тегишли мансабдор шахслар томонидан жиноятни квалификация қилиш амалга оширилади.

Жиноятни квалификация қилиш тушунчаси назария ва амалиётда икки хил маънода қўлланилади: а) квалификация бу – муайян мантикий жараён сифатида, у ёки бу шахснинг кўриб чиқиладиган муайян ҳолатнинг ЖК Махсус қисм нормасида белгиланган жиноят таркиби белгиларига мослигини аниқлашдаги фаолияти; б) квалификация – ижтимоий ҳавфли қилмишнинг ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилиши. Бу маъноларнинг икаласи ўзаро боғлиқ. Квалификация тушунчасини ёритишда бу икки маънони уйғунлаштириб, содир этилган қилмиш белгилари билан жиноят ҳуқуқий нормада назарда тутилган жиноят таркиби белгилари ўртасидаги айнан ўхшашликни аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш, деб бериш мумкин.

Жиноятни квалификация қилиш жиноят процессининг барча босқичларида амалга оширилади. Жиноятни квалификация қилиш – бу динамик жараён бўлиб, жиноят ишини юритишнинг турли босқичларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жиноят процессининг турли босқичларида жиноятни квалификация қилишни амалга ошира туриб, “номалум-ликдан тўлиқ аниқликка” қараб борадилар. Хусусан, жиноят ишини кўзғатишда содир этилган жиноят ҳақида жуда кам маълумот бўлади. Тергов қилиш ва айблов ҳулосасини тузиш жараёнида тергов органлари содир этилган жиноят ҳақида барча аҳамиятли ва зарур маълумотларга эга бўлишлари керак. Бу ҳол жиноятни квалификация қилиш тўлиқ эканлиги ва яқунланганлигидан далолат беради.

Жиноятни квалификация қилишнинг турли босқичлари юзасидан сўз юритиб, терговнинг дастлабки босқичида жиноятни аниқ ва тўла баҳолаш учун суриштирувчи ёки терговчи имконияти чекланган бўлади. Жиноятни аниқлаш, айбланувчиларни топиш, жиноят таркиби белгиларини аниқлаш, маълумотларни топиш учун кўп меҳнат талаб қилинади, олинган янги маълумотлар эса жиноятнинг ҳуқуқий тавсифи ўзгаришига олиб келади ва бу табиий ҳолдир.

Жиноят ишини кўзғатиш босқичида жиноятнинг квалификацияси дастлабки, йўналтирувчи хусусиятга эга бўлади, бироқ, жиноят иши тугатилганда квалификация тўлиқ ва аниқ бўлиши зарур. Жиноят ишини тергов қилувчи ва квалификацияни амалга оширувчи шахс нуқтаи назаридан ушбу квалификация абсолют ҳақиқат хусусиятини намоён қилиши керак, яъни бу ҳуқуқий баҳо ягона ва ҳар қандай муқобилликни истисно қилиши керак. Аммо амалиётда, жиноят нотўғри квалификация қилинганлиги муносабати билан суд кўп ишларни қайта квалификация қилиши ёки уни қайта терговга юборишга мажбур бўлади. Баъзан

адвокатлар жиноятнинг квалификациясини аниқлаштириш тўғрисида илтимосномалар киритади ва бу илтимосномалар кўп ҳолларда суд томонидан қабул қилинади.

Шундай қилиб, терговчи томонидан амалга оширилган ва прокурор томонидан тасдиқланган квалификация содир этилган қилмишга ҳуқуқий баҳо беришдир. Квалификация қилишни суриштирув, тергов ва суд органларининг маълум бир мантиқий фаолияти деб оладиган бўлсак, бу ишда мантиқ асосларни, мантиқий ва техника-юримдик йўлларни билиш давлат органларининг бу турдаги фаолиятини амалга оширишни тўғри йўлга қўяди.

Албатта, терговчи, суриштирувчи, прокурор ва судья жиноятни квалификация қилаётганда уларни фикрлаши юримдик техникаси усуллари ва мантиқ қонуниятларидан иборатлиги ҳақида ўйламайдилар. Бу одатий ва тушунарли ҳол, бунда юристнинг профессионал тайёргарлиги ва тажрибаси намоён бўлади. Юристнинг фикрлаш доираси аста-секин махсус ҳуқуқий фанларни ўрганишда, ҳаётий ва ички тажрибасидан келиб чиқиб шаклланади. Мутахасис ишни тез ва тўғри квалификация қилиш учун узок ва қатъиятли меҳнат қилиши унинг касбий маҳоратини шаклланишига олиб келади. Жиноятни суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья томонидан квалификация қилиниши мантиқий фикрлашнинг натижаси бўлиб, жиноятга берилган ҳуқуқий баҳодир. Асосан жиноят ҳуқуқида квалификацияга шундай баҳо берилади.

Жиноятни квалификация қилиш, қилмиш қандай моддага мос келишини аниқлаш эканлигини англатади. Бошқа сўз билан айтганда, жиноятнинг квалификацияси ҳаётдаги муайян воқеанинг жиноят нормасида жиноятлар таркибига киритилиши тушунилади.

Жиноятнинг квалификацияси нормалар мажмуасини ташкил этади ва муайян воқеликни ўз ичига олади. Ўз мазмунига кўра юримдик квалификациянинг турларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Нормани қўллаш, муайян ҳаётий воқеликда, аҳамиятли, типик хусусиятларни, шу ходисанинг мазмунини очиқ беришини ва шу билан қонун чиқарувчи ҳам худди шуларни назарда тутганини англатишини назарда тутати.

Жиноят ҳуқуқий нормаларни қўллаш умумийдан махсусга қараб амалга оширилади, яъни муайян жиноят тушунчаси (ўғрилиқ, талончилик, одам ўлдириш ва бошқалар) жиноят тури бўлиб умумий ҳуқуқбузарликни ташкил қилади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноятни квалификация қилаётганда ўзининг онгида фикрлаш босқичларни кетма-кет босиб ўтади. Шундай қилиб, биринчи навбатда, шу воқеада умуман жиноят таркиби мавжудми ёки фақат ахлоққа зид ҳатти-ҳаракатни ташкил қиладими деган масалани аниқланиши керак.

Ишни кўраётган шахсга ҳуқуқбузарлик яққол бўлса, бу ҳуқуқбу-зарлик қандай ҳуқуқбузарлик эканлигини аниқлаш керак. Умуман олганда бу ҳатти-ҳаракатлар у ёки бу ҳуқуқ нормасига зидлиги, субъект ҳуқуқ нормаларига зид ҳатти-ҳаракат қилганлигини аниқлашдир. Барча

хуқуқбузарликларнинг умумий хусусияти уларнинг ижтимоий хавфлилигидир. Ижтимоий хавфлилик бу объектив мавжуд реалликдир, ишнинг объектив хусусиятидир. Ижтимоий хавфлилик хуқуқбузарлик турларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятлар ижтимоий хавфлилиги энг юқори бўлган хуқуқбузарликлар туркумига киради. Жиноятларни квалификация қилишда асосий муоммолардан бири хуқуқбузарликларни тўғри ажратишдир. Махсус хуқуқий тайёргарлик, шахснинг касбий тажрибасигина бу масалани тўғри ҳал қилишда ёрдам беради. Аммо, амалиётда хуқуқбузарликнинг жиноят ёки жиноят эмаслиги ҳақида ҳам маълум муаммоларга дуч келамиз.

Хуқуқбузарликларни ажратиш тушунчаси бевосита хуқуқий муносабатлар билан боғлиқдир. Мазмунан олганда, ажратиш, маълум ҳаётий воқеликда юз берган хуқуқий муносабатни аниқлашни назарда тутди. Хуқуқбузарликларни турларга ажратаётганда, Жиноят кодексида жиноятнинг умумий тушунчаси борлигини ҳам эътиборга олиш керак. Шундан келиб чиқиб, қилмишни жиноят деб квалификация қилишда у қуйидаги умумий хусусиятларга эга бўлиши лозим: ижтимоий хавфлилик, ғайриқонунийлик, айблилик ва жазога сазоворлик. Хуқуқий муносабатнинг турини аниқлашда, инсон фаолиятига жиноий ёки жиноий эмас деб баҳо беришда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар – кам аҳамиятлилик, зарурий муодофаа, охириги зарурат, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар ектазиш, буйруқ ёки бошқа мажбуриятни бажариш муносабати билан, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик. Шу ҳолатларнинг мавжудлиги инсоннинг хатти-ҳаракатларида жиноятнинг бир белгиси йўқлигини англатиб, қилмишнинг жиноийлигин истисно этади. Шу сабабли қилмишни жиноят деб квалификация қилиб ҳам бўлмайди.

Суриштиручи, терговчи, судья ишни квалификация қилаётганда, муаян ҳаётий ходисани (қилмиш) аниқлаб, таққослаб, хуқуқбузарликнинг қандай хуқуқ соҳаси билан тартибга солинишини, хуқуқнинг қайси соҳаси билан муҳофаза қилинишини аниқлайди.

Жиноятларни квалификация қилиш жараёни 3 та босқичдан иборат.

Дастлаб ҳаракатнинг ўша умумий белгилари ажратилади, яъни хуқуқий муносабатлар тури аниқланади. Ушбу босқичда хуқуқдан фойдаланиш фаолиятини амалга оширадиган шахс, ушбу аниқ ҳолатда жиноят белгилари борми ёки бу ҳаракатни ножўя ҳаракат каби квалификация қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишга тўғри келади. Жиноят хуқуқий муносабатларни сезиш ҳолатларида жиноят белгиларининг айбланувчи ҳаракатида борлиги квалификация жараёни иккинчи босқичига киради. Ушбу босқичда жиноия ҳаракатларнинг насли белгиларини ажратиш кечади, яъни ЖКнинг қайси бўлимида кўриб чиқилаётган жиноят қамраб олинади.

Жиноят учун хавфли ҳаракатда наслдан ўтадиган белгиларни белгилаш биринчи навбатда жиноия оқибатларнинг насли объектларини аниқлашни

таҳлил қилади, баъзи ҳолатларда эса махсус субъектларнинг белгиларини белгилашни ҳам таҳлил қилади.

Жиноятни квалификация қилишнинг 3-босқичи жиноятнинг бу турдаги белгиларини қиёслаш ва аниқлашдан иборат. Ушбу босқичда ЖК маълум бўлимининг қандайдир танланган моддалар чегарасида жиноятнинг дастлабки аниқланиш босқичи кечади; жиноятнинг оддий таркиби ёки квалификациялашган.

Жиноят учун хавфли ҳаракатнинг жиноят ҳуқуқий квалификация қилиш жараёни бевосита 3 та босқичда ўтади. Улар ўзаро бир бири билан боғлиқ ҳаракатлар. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун жиноятни квалификация қилишнинг барча жараёнини тугатиши керак.

ЖКнинг асосий қисмининг ҳар қандай моддаларида кўзланган жиноий ҳаракатни содир этишда шахснинг айбини белгилаш зарурдир.

Жамият учун хавфли ҳаракатни квалификация қилиш жараёнида муҳим ўринни жиноят таркибининг белгилари билан ҳаракатнинг далилли шароитларини таққослаш жараёнини амалга оширилишига нисбатан жиноят ҳуқуқий нормаларни қидириш эгаллайди.

Ҳуқуқий нормаларнинг қидирув жараёни 4 босқични босиб ўтади.

Биринчи босқич белгиланган маълумотларни тартибга солиш ва уларнинг ичидан юридик нуқтаи-назардан муҳим белгиларни ажратишдан иборат. Кўпсонли маълумотлардан квалификацияни амалга оширадиган шахс квалификация учун муҳим аҳамиятли бўлганларни танлаши ажратиши керак. Мураккаблиги шундаки, жиноий ишни тергов қилишда бошида исботлаш предмети етарли даражада ҳар доим ҳам эмас, қандай далиллар жиноят ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади, қандайлари бўлмайди, ноъмалум. Ҳар ҳолда тергов қилишнинг дастлабки босқичида терговчи ҳар қандай жиноятга хос бўлган белгилар гуруҳига нисбатан барча далилли ҳолатларни тартибга солиб йиғиб олишга ҳаракат қилиши керак; объектига, объектли тарафга, субъектга ва субъектив томонга ушбу ишни олиб борувчи шахс, ушбу терилган барча далилли ҳолатларни ушбу тўрт гуруҳга таркатади.

Иккинчи босқич ҳақиқий материал мавжуд бўлиб, мос келадиган модель, барча зарурий қонуний констуркцияларни ажратишдан иборат.

Учинчи босқич иш бўйича бор бўлган далилли ҳолатларга мос келадиган жиноятнинг аралаш таркиби гуруҳини кўрсатишидир. Аралаш таркибидаги гуруҳларни шакллантиришдан кейин тўртинчисини яқунлайдиган босқич келади. Ушбу гуруҳдан битта таркибни қайсики унинг белгилари содир этилган жиноятга мос келадиган босқич келади.

Унга ушбу босқичлар асосан жамият учун хавфли бўлган ҳаракатни квалификация қилиш учун ҳуқуқий нормаларни қидиришни олиб борадиган шахснинг ҳаракатини акс эттиради.

Жиноят қонунини шарҳлаш уларни амалда тадбиқ этишда хатога йўл қўймаслик учун ғоят муҳимдир.

Жиноят қонунини шарҳлаш қонун чиқарувчининг иродасига мувофиқ ҳолда қонунни амалда тадбиқ қилиш учун мазмун ва мақсадини ҳар томонлама тушунтириб беришдан иборат.

Жиноят қонунини шарҳлашнинг субъектлари, усуллари ва миқёсига қараб бир неча турга бўлинади.

Жиноят қонунларининг субъектига кўра шарҳлашни легаль шарҳлаш ва илмий шарҳлашга бўлиш мумкин.

Легал ва аутентик шарҳлаш деярли бир-бирига тўғри келадиган шарҳлаш усулидир.

Аутентик шарҳлаш қонунни қабул қилган давлат органи томонидан берилган шарҳлардир. Легал шарҳлаш фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан берилган шарҳлашдир.

Суд томонидан шарҳлаш муайян иш учун қонунни амалда тадбиқ қилиш юзасидан суд томонидан берилган шарҳлашдир. Бундай шарҳлар жиноят ишини амалда тадбиқ қилувчилар учун мажбурийдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари Ўзбекистондаги барча судлар учун мажбурийдир.

Легал (аутентик) шарҳлаш эса барча учун мажбурийдир. Масалан, муайян ҳуқуқий актни амалда тадбиқ қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори.

Илмий шарҳлаш илмий муассасалар, юрист олимлар, ҳуқуқни амалда қўлловчи идораларнинг ходимлари томонидан берилган шарҳлардир.

Илмий шарҳлаш қонун нормаларининг назарий ва амалий масалаларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборатдир. Илмий шарҳлаш юридик фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалардир.

Илмий шарҳлаш мажбурий характерга эга бўлмай, жиноят қонунларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда тўғри тадбиқ қилиш учун аҳамиятлидир.

Шарҳлаш усулига қараб, грамматик (филологик) систематик (тизимли), тарихий шарҳлашларни айтиш мумкин.

Грамматик шарҳлашда қонунлар грамматика, синтаксис ва этимология (сўзларини келиб чиқиш) қоидаларидан фойдаланган ҳолда қонундаги алоҳида атамаларнинг мазмуни тушунтирилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июнда «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» ги қарорининг 4-бандида «Судларга тушунтирилсинки, совуқ қурол деганда, ўз моҳиятига кўра инсоннинг ҳаёти ва соғ-лигига қарши ишлатиш учун мўлжалланган, суд-криминалистик экспертизаси хулосасига мувофиқ совуқ қурол деб топилган нарсалар тушунилади», дейилади.

Тизимли (систематик) шарҳлашда жиноят қонуни нормаларини бошқа қонун нормалари билан солиштириш орқали унинг мазмуни, унинг амалдаги жиноят қонунида тутган ўрни, унга ўхшаш бўлган қонун нормаларидан фарқи аниқланади. Масалан, ЎзР ЖК 107-моддасининг

(зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан баданга оғир шикаст етказиш) мазмунини очиб бериш учун ЖК нинг 104-моддаси (қасддан баданга оғир шикаст етказиш) шарҳи орқали тушунтирилади.

Тарихий шарҳлашда муайян жинойт қонуни нормасининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол туфайли қабул қилиниш сабаблари тушунтирилади.

Жинойт қонунларининг миқёси (ҳажми) жиҳатидан шарҳлашга сўзма-сўз шарҳлаш, тор маънода шарҳлаш, кенг маънода шарҳлашларни киритиш мумкин.

Сўзма-сўз шарҳлаш қонун нормасининг матнига тўла мувофиқ бўлган сўзларда ифодалаб берилган шарҳдир. Тор маънода шарҳлаш қонун матнига нисбатан торроқ ҳажмда шарҳлашдир. Бунда қонун матнидан келиб чиқиб, унинг матнидан ҳам торроқ шарҳ берилади. Масалан, қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорида қасддан одам ўлдириш тўғри қасддан ёки эгри қасддан содир этилиши мумкин дейилади.

Кенг маънода шарҳлашда эса қонун матнидан келиб чиқиб, унинг матнига нисбатан анча кенг тушунтириш берилади. Масалан, ЎЗР Олий суди Пленуми 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорида «Судларга тушунтирилсинки, совуқ қурол деганда, ўз моҳиятига кўра инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ишлатиш учун мўлжалланган, суд-криминалистик экспертизаси хулосасига мувофиқ совуқ қурол деб топилган нарсалар тушунилади. Шахснинг соғлиғига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсалар туркумига айбдор томонидан ўша мақсадларда безорилик ҳаракатлари давомида фойдаланилган ҳар қандай нарсалар киради. Жабрланувчига нисбатан тан жароҳати етказган ёки етказишга қилган ҳоллар тушунилиши лозим дейилади.

Қонунларни кенг маънода шарҳлаш қонуннинг маъносини анча чуқур ва батафсил очиб бериш имконини беради.

Назорат саволлари:

1. Жинойтларни квалификация қилиш тушунчасини аниқланг.
2. Жинойтларни квалификация қилишнинг қандай турлари мавжуд?
3. Жинойтларни аниқлик даражаси бўйича квалификация қилишнинг турларини кўрсатинг.
4. Жинойтларни квалификация қилиш турларининг мазмунини ёритинг.
5. Жинойтларни квалификация қилиш босқичларини аниқланг.
6. Жинойтларни тўғри квалификация қилишнинг аҳамияти нимадан иборат?
7. Жинойтларни нотўғри квалификация қилишнинг сабабини кўрсатинг.

3. Судга қадар босқичида суд назоратини амалга ошириш

Режа:

1. Даствлабки тергов устидан суд назорати тушунчаси ва мазмуни
2. Даствлабки тергов босқичида суд назоратининг тарихий ривожланиши
3. “Хабеас корпус” институти ва унинг миллий қонунчилигимиздаги ифодаси
4. Даствлабки тергов босқичида суд назоратини амалга ошириш турлари ва шакллари
5. Даствлабки терговда тергов ҳаракатлари, мажбурлов чоралари ва эҳтиёт чораларини қўллашда суд назоратини кенгайтириш масалалари
6. Даствлабки тергов устидан суд назоратини кенгайтиришга оид ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларининг қиёсий таҳлили

Таянч сўзлар: суд назорати, Хабеас корпус, эҳтиёт чоралари, процессуал мажбурлов чоралари.

1.1. Даствлабки тергов устидан суд назорати тушунчаси ва мазмуни

Даствлабки терговда суд назорати тушунчасини изоҳлашдан олдин, “суд назорати” тушунчасига ойдинлик киритиб ўтиш даркор. Бинобарин ушбу жумла шу пайтга қадар қуйи бўғин судлар фаолияти устидан юқори судлар назоратига татбиқан қўлланилган. “Суд назорати” атамаси Конституция, ЎЗР ЖПК ҳамда “Судлар тўғрисида”ги қонун нормаларида бевосита ёки билвосита ишлатилган, лекин жиноят-процессуал ҳуқуқи фанида суд фаолиятининг йўналишлари таркибида биз учун зарур бўлган даствлабки терговда суд назорати функцияси ҳозир тилга олинмаган. Бу эса, амалиётда анча муаммо туғдиради, зотан бу шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг муҳим шартидир.

Бу борада З.Ф.Иноғомжонованинг “Суд назорати фақат суд томонидан, суд мажлисида қонунда белгиланган катъий процессуал шаклда амалда оширилади, суд томонидан айрим масалалар юзасидан ишнинг фактик ҳолатлари асосида, ўз ички ишончига таяниб тегишли процессуал қарор қабул қилишдан иборат”¹, деган фикрига тўла қўшиламмиз. Мазмунан “бундай қарор фуқаролар ҳуқуқларини бузилиши ва чекланишининг олдини олишга бузилган ҳуқуқларни қайта тиклашга ва жиноят процессуал

¹ Иноғомжорова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. Юрид. фанлар доктори даражаси учун ёзилган диссертация. “Автореферат”. ТДЮИ, Т.;2006, Б. 9–10.

тартибни бузиш оқибатида қабул қилинган, қонунийлик ва асослилик талабларига мос келмайдиган қарорларни бекор қилишдан иборат”².

Суд назорати жиноят процессининг мустақил фаолият йўналиши эканлиги хусусида турли-туман фикрлар билдирилган. Хусусан, В.Н.Галузо “бу фаолият йўналиши жиноят процессининг мустақил функцияси бўлиб, гумон қилинувчи, айбланувчини ушлаб туриш, қамокка олиш, қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашга хизмат қилади”³, деб таъкидлаб, суд назоратининг фақат бир тури, яъни дастлабки терговда суд назорати мавжудлигини тан олади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган кенг қамровли туб ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида суднинг фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ҳокимият сифатидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилиниши кафолатларини янада кенгайтиришга, судда тарафлар тенглигини ва ошкораликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан сўнгги йилларда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, лавозимдан четлаштириш каби мажбурлов чоралари, шунингдек мурдани эксгумация қилиш ва почта телеграф жўнатмаларини хатлаш сингари тергов ҳаракатларини амалга оширишга руҳсат беришнинг судларга ўтказилиши суднинг одил судлов органи сифатидаги нуфузини ҳамда аҳамиятини янада оширди.

Жиноят судлов ишларини юритиш бешта мустақил, лекин бир-бири билан узвий боғлиқликда ҳамда кетма-кетликда фаолият кўрсатадиган босқичлардан иборат. Буларга:

- 1) жиноят ишини кўзғатиш;
- 2) дастлабки тергов;
- 3) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва суд муҳокамаси;
- 4) ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш;
- 5) ҳукмни ижрога қаратиш киради.

Бу босқичларнинг ҳар бири мустақиллиги, ўзига юклатилган ва фақат унга хос бўлган вазифаларнинг белгиланганлиги, процессуал ҳужжатларининг мавжудлиги, иштирокчиларининг тайинлиги ва ҳоказолар билан тавсифланади. Уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги ва кетма-

² Мирзаев И. Суд и профилактика преступлений // Ҳуқуқшунос. – 2009. – №1. – Б. 43-44.

³ Галузо В.Н. Судебный контроль за законностью и обоснованностью содержания под стражей подозреваемых и обвиняемых на стадии предварительного расследования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: МВШМ МВД РФ, 1995. – 29 с.

кетлиги шундаки, бир босқич иккинчи босқичга хизмат қилади, бир босқич якунланмасдан туриб, иккинчи босқич бошланмайди, ҳар бир босқичнинг якуний ҳужжати иккинчи босқич фаолиятининг бошланишига асос бўлади. Масалан, жиноят ишини кўзғатиш қарори бўлмасдан туриб дастлабки терговни олиб бориш мумкин эмас, суд муҳокамасини ўтказмай якуний ҳужжат бўлмиш ҳукм чиқарилмайди, ҳукм устидан шикоят ёки протест тушмаса, ҳукм, ажрим ва қарорларни текшириш босқичи бошланмайди, ёки ҳукм кучга кирмаса, уни ижрога қаратишнинг имконияти йўқ.⁴

Суд назоратини дастлабки тергов босқичига жорий қилиш жиноят процессининг бошқа босқичлари ўртасида узвий боғлиқликни вужудга келтиради, натижада назоратнинг сифати ошади, мақсадлар тизими самарали бўлади.⁵ Дастлабки терговнинг тўла, ҳар томонлама, холисона текширилиши суд муҳокамасининг сифатига таъсир этмай қолмайди.

Жиноят судлов ишларининг ҳар бир босқичи ўз олдига қўйган вазифани аниқ, ўз вақтида, чинакам, қонунда белгиланган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда бажарса, босқичлар ўртасидаги узвийлик йўқолмайди, ҳамда процессуал фаолиятнинг натижаси ҳамisha сифатли ва самарали бўлади. Дастлабки терговда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликларни кейинчалик бартараф қилиш мушкул бўлади. Бу эса ҳукмни бекор бўлишига асос бўлади. Дастлабки терговнинг сифатига баҳо фақат суд муҳокамасида берилади. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи ҳам бундан мустасно эмас.⁶

Жиноят процессининг деярли барча босқичларида суд назорати элементлари мавжудлиги тўғрисидаги фикрга⁷ қўшилган ҳолда ишни судга қадар юритиш босқичида бу назоратни қандай шакл ва тартибда амалга оширилишини кўриб чиқиш зарур. Адабиётларда бу жумланинг ўзи ҳам турлича талқин қилинган. Масалан, “Ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати”,⁸ “дастлабки тергов ҳужжатлари устидан суд назорати”,⁹ “дастлабки терговнинг қонунийлиги устидан суд назорати”.¹⁰

Суд назорати – жиноят процессининг деярли барча босқичларида амалда бўладиган, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза қилишга қаратилган, қарорлар, ҳаракат ва ҳаракатсизлик ҳамда

⁴ Иноғомжонов З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006. –Б. 47.

⁵ Бойков А.Д. Третья власть в России. –М.: 1998. –224 б.

⁶ Иноғомжонов З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. Ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006. –Б.54.

⁷ Гуськова А.П. Процессуально-правовые и организационные вопросы подготовки к судебному заседанию по УПК РФ. –Оренбург.: 2002. –Б 14.

⁸ Концепция судебной реформы в Российской Федерации. –М.: 1992. –Б. 44.

⁹ Лазарева В.А. Судебная власть и ее реализация в уголовном процессе. –Самара.: 2007. –Б. 52.

¹⁰ Назаров А.Д. Влияние следственных ошибок на ошибки суда. –СПб.: 2008. 205-б.

дастлабки тергов ва суд қарорларининг (кучга кирган кирмаганлигидан қатъи назар) қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини кафолатлашга хизмат қиладиган фаолият сифатида эътироф этилгандагина унинг ҳуқуқий табиати ойдинлашади.¹¹

Дастлабки терговдаги суд назорати нафақат жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланишини назорат қилади, балки исботлаш процессининг қонуний ва асосли бўлишини кафолатлайди¹². Дастлабки терговда суд назорати одил судловга хизмат қилади, суд ҳокимияти қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига замин яратади.

Дастлабки терговдаги суд назоратининг асосий мақсади:

1) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш; 2) жиноят судлов фаолиятини самарали бўлишига хизмат қилиш; 3) мустақил функция сифатида ниҳоят одил судловни амалга оширишга шарт-шароит яратишдан иборат.

Процессуалист олим З.Ф.Иноғомжонованинг фикрича, дастлабки терговдаги суд назоратини моҳиятини очиш учун одил судлов фаолияти билан қиёсий тавсифлаш лозим:

1) Дастлабки терговда қамоққа олишга санкция берган ёки тергов муддатини узайтиришга розилик берган судья ишни судга тайёрлаш ёки уни мазмунан кўришда иштирок эта олмайди.

2) Дастлабки терговда юқорида қайд қилинган ваколатларни бажарган ёки унинг қарорларини юқори инстанция судида кўриб чиққан судья айнан шу ишни келгусида яна кўришга ҳақли эмас.¹³

Ўзбекистон Республикаси ЖПКсининг 76-моддасига бу масалани рад қилиш асослари сифатида киритиш лозим, яъни санкция берган судья ишни мазмунан кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

Юқорида суд назоратининг обрўйини ошириш ва зарурлигини эътироф этиш учун уни жиноят процессининг принципи даражасига кўтариш лозимлиги тўғрисида фикр билдирилган эди. Масалан, А.П. Фоков ҳам шу фикрга қўшилиб, «Жиноят судлов ишларини юритишда суд назоратини

¹¹ Шодиев Ғ. Жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида суд назоратининг объекти сифатида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари // Суд-ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДҶОИ, 2007. – Б. 132.

¹² Рябинина Т.К. Стадия назначения судебного заседания в свете уголовно-процессуального закона: проблемы теории и практики, пути их решения. // Российский судья -№ 7. 2004. –Б. 6.; Рябинина Т.К. Производство по уголовному делу в суде до судебного разбирательства. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –Воронеж.: 2005. –С.23.

¹³ Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006;.-Б. 68.

принцип даражасига кўтариш ва суд томонидан қонун талаблари бузилган ҳар бир ҳолда уни бартараф қилиш мажбурияти мавжудлигини қайд қилиш лозим»¹⁴ дейди. Лекин бу принципни бошқарув ёки маъмурий назорат маъносида тушунмаслик керак. Амалиёт ходимлари ўртасида “Суд назорати” деган жумладан чўчиш, жиноят ва жиноят процессуал қонуни либераллашиб бораётган бир даврда “суд назорати” тушунчасини ишлатиш ёки уни принцип даражасига кўтариш ўринлими деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас.

Асосий қомусимиз бўлган Конституцияда суд-фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилинишини таъминлаш кафолати эканлиги таъкидланади. Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг мавжудлигини ўзи, ҳар қандай қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, қонунсиз, асослангирилмаган, адолатсиз қарорлар суд назоратида бўлиши лозимлигидан далолатдир. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, айнан суд назоратининг шу хусусияти унинг ижтимоий ва ҳуқуқий табиатини белгилайди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ этиш ва либераллаштириш, халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суд назоратини кенгайтириш, одил судловнинг муҳим институтларидан бўлган «Хабеас корпус» институти нормаларини миллий қонунчиликка изчил татбиқ этиш жараёни давом эттирилмоқда. Гарчанд қонунчилигимизга “Хабеас корпус” институтининг айрим элементлари жорий этилган бўлса-да, бу борада халқаро ҳуқуқ нормаларини тўлиқ татбиқ этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш эҳтиёжи бор. Зотан, “Хабеас корпус” – ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини кейинчалик суд томонидан текшириш тартиби ҳисобланади¹⁵. Лекин, сўнгги йилларда жиноят-процессуал қонунчилигимизда рўй бераётган ўзгаришлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ушбу институтнинг қўлланиш соҳаси янада кенгайиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқларига оид дунё мамлакатлари қонунчилиги ривожланишининг эътиборли жиҳати шундаки, инсон ҳуқуқлари бўйича айрим нормалар дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб, сўнгра халқаро-ҳуқуқий нормалар ва стандартларга айланган. Англо-саксон ҳуқуқ оиласининг муҳим институтларидан бири бўлган “Хабеас корпус акт” ҳам дастлаб миллий ҳуқуқда пайдо бўлиб¹⁶, сўнгра халқаро даражада

¹⁴ Фоков А.П. Судебный контроль в России и перспективы. // Российский судья, 2002. -№ 9. –С. 3.

¹⁵ Бекматова Д.Ш. Жиноий таъқиб фаолиятини концептуал ривожлантириш асослари. Илмий рисола. –Т.: ТДЮУ, 2016. –Б.56.

¹⁶ <http://www.minjust.uz>

умумэътироф этилган хужжат сифатида тан олинган инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга оид жаҳон мамлакатлари қонунчилигининг фундаментал асосини ташкил этади.

Ушбу институт дастлаб XII асрдан бошлаб Англияда қўлланила бошлаган. XIV асрда Эдуард I қироллиги даврида эса, ушбу амалиёт урф-одатга айлана бошлаган. Мазкур урф-одат ўз навбатида инсон ҳуқуқлари масаласи норматив хужжат кўринишини ола бошлаган даврда, аниқроқ айтганда, 1679 йил 26 май куни Англияда қабул қилинган «Фуқаро эркинлигини янада яхшироқ таъминлаш ва денгиздан ташқари ҳудудларда асоссиз ҳибсга олишларнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонун ёки «Habeas Corpus Act»да ўзининг норматив қиёфасини топди¹⁷. Инглиз парламенти томонидан қабул қилинган ушбу қонун ўз даври учун энг демократик хужжатлардан ҳисобланган ва ғарб дунёсини камраб олишни бошлаган буржуа инқилобларини натижасида вужудга келаётган демократик жамиятлар томонидан тезда қабул қилина бошлаган.

“Хабеас корпус” ўз номини судьянинг озодликдан маҳрум этилган шахсни судга олиб келиш тўғрисидаги буйруғининг биринчи сўзларидан олинган бўлиб, “Habeas corpus ad subjiciendum”, яъни (сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан), деган маънони англатади¹⁸. Бу атама 1679 йил 26 май куни инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонун - «Хабеас Корпус Акт» атамасидан олинган. Бу сўз бирикмаси лотинчадан ўзбек тилига ўгирилганда «танани, шахсни (судга) келтириш» маъносини англатади¹⁹.

Habeas Corpus Act” инсоният тарихида ўзбошимчалик билан ҳибсга олишни чеклаган биринчи хужжатдир. Унда “Ҳеч бир озод, эркин фуқаро суд қарорисиз ушлаб турилиши, қамокқа олиниши, мулкидан маҳрум қилиниши, қонундан ташқари деб эълон қилиниши, қувғинга олиниши мумкин эмас” дейилади. Жиноят ишлари бўйича “Habeas Corpus Act” қуйидагича тартибда амалга оширилади. Ҳар бир қамокқа олинган айбланувчи ўзини нотўғри ҳибсга олинган деб ҳисобласа, шахсан ўзи ёки ҳимоячиси орқали лорд-канцлерга шикоят қилишга ҳақли. Лорд Habeas Corpus буйруғини бериш ҳамда уни тасдиқлайдиган муҳрни саклаш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланади. Мурожаатни олган судья дарҳол ишга киришиб, қамокқа олишнинг қонунийлигини текширади. Агар қамокқа олиш ноқонуний амалга оширилган бўлса, шахс дарҳол озод қилади²⁰. Англия юридик адабиётларида “Habeas Corpus Act” шахс ҳуқуқ ва

¹⁷ <http://www.norma.uz>

¹⁸ <http://www.minjust.uz>

¹⁹ Mark E.Cammack and Norman M.Garland. Advanced criminal procedure. – Thomson/West, 2006. –Б. 483

²⁰ Полянский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд в Англии. –М.: 1992. –Б. 284-287.

эркинлигини ҳимоя қилишнинг олий даражадаги кафолати ва инглизларнинг миллий ғурури” деб таърифланади²¹

Бош қомусимизнинг 19-моддасида “Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”, дея белгиланган. Бу эса “Хабеас корпус” институтининг мазмуни Конституциямизда акс этганлигидан далолат беради.

2005 йил 8 августда Ўзбекистон Президентининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Фармонга биноан дастлабки терговга суд назоратини босқичма-босқич олиб кириш механизмини ишлаб чиқиш, бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, мавжуд қонунларни такомиллаштириш, судьяларни мазкур институтга тайёрлаш ҳамда прокуратура ходимларида зарурий кўникма ҳосил қилиш вазифалари белгиланган эди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши жинойт судлов қонунчилигида янги ҳуқуқий институт ҳисобланиб, ушбу босқичда айбланувчи (гумонланувчи) билан бир қаторда прокурор ва адвокат ҳам иштирок этади. Мазкур янгилик жинойт-процессуал қонунчиликда эътироф этилган тарафларнинг ўзаро тортишуви ва тенглиги тамойилини дастлабки терговнинг шу қисмига жорий этиш имконини беради. Шунингдек, қамоққа олишга фақат судлар томонидан санкция берилиши ҳеч ким суднинг розилигисиз озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги, ҳуқуқлар чекланмаслиги тамойилининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ўз-ўзидан жинойт процессида суд назоратининг жорий этилишини тақозо этади. Суд назорати функцияси дастлабки терговда тарафларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Уларнинг қарор ва ҳаракатлари қонуний ҳамда асосли бўлишини таъминлайди, процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишининг олдини олади.

2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан жинойт-процессуал қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш соҳасидаги долзарб масалалардан бири – эҳтиёт чораларидан бири саналган қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масаласи амалиётга жорий қилинди. Бу эса судгача бўлган иш юритиш устидан суд назорати ўрнатишнинг устувор йўналишидир. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга

²¹ Ахпанов А.Н., Насыров Г.Х. Арест в качестве меры пресечения: проблемы судебного контроля и санкционирования. (Монография.) –Алматы: 2005. -Б 23.

Ўтказилиши жиноят процессида томонларнинг тенг процессуал имкониятларга эга бўлиши борасидаги демократик тамойилнинг амалга ошишини таъминлади, амалда одил судловнинг бошқа барча тамойилларини, шу жумладан, суднинг мустақиллиги ва холислиги, айбсизлик презумпцияси, шунингдек, айбланувчининг самарали адвокат ёрдамига бўлган ҳуқуқи тамойилларини мустаҳкамлади. Шунингдек, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши тартибининг жорий қилиниши ҳам мамлакатимизда судгача бўлган босқичда суд назоратини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида баён этган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг II бўлими суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга бағишланган. Концепцияда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш ва суд мустақиллигини таъминлаш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгилаб қўйилган. Унда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида давлатимиз олдида бир қанча ташкилий-ҳуқуқий чоралар қўйилган бўлиб, 2012 йил 19 сентябрда кучга кирган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун концепциядаги чора-тадбирларнинг амалга оширилганлигидан далолат беради. Ушбу Қонунга асосан, “Прокуратура тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги қонунларга, Жиноят процессуал, Фуқаролик процессуал ҳамда Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Концепция ижроси бўйича ўтган давр мобайнида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига судга қадар иш юритиш босқичида қўлланиладиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш фақат суднинг санкцияси билан амалга оширилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ваколатларнинг суд органларига ўтказилиши эса, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида “Хабеас корпус” институтини қўллашни янада кенгайтириш имконини бермоқда. Қонун мазмунига кўра, агар айбланувчи ўз иш жойида қолса, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилади ёхуд жиноий фаолиятини давом эттиради, деб

ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, суд томонидан лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Рухий ҳолати айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган гумон қилинувчи ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун тиббий психиатрия муассасасига суд орқали жойлаштирилиши мумкин. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соат ичида к ўриб чиқилади.

Маълумки, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби амалга киритилди. Ушбу эҳтиёт чораси гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида, унинг ёши, соғлиғи ҳолати, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади. Уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек, унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидан иборат. Бир сўз билан айтганда, қайд этилган мажбурлов чораларининг судларга ўтказилишига доир қо- нун ҳужжатлари, авваламбор, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга хизмат қилади.

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4850-сон Фармони эълон қилинди. Ушбу дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек

аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Шу билан бирга, Фармон мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, устувор йўналишларни белгилаб берди. Айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатларининг судларга ўтказилиши муҳим ўзгаришлардан бири бўлди. Бошқача айтадиган бўлсак, шахснинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш суднинг мутлақ ваколатига ўтказилди. Бу эса Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 10-моддасида белгиланган ҳар бир киши унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш ва унга нисбатан билдирилган жиноий айбловнинг асосли эканлигини аниқлаш учун тенг ҳуқуқлилиқ асосида унинг иши мустақил ва холис суд томонидан ошкора ва адолат талабларига риоя этилган ҳолда кўриб чиқилишига ҳақли эканлиги таъминлиги тўла мувофиқ бўлади.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизнинг 36-моддасига мувофиқ, терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор руҳсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади. Юқорида номи келтирилган Президент фармонида тергов ҳаракатларини ўтказишга нафақат прокурор, балки суднинг ҳам розилиги талаб этилиши назарда тутилган. Шу пайтга қадар дастлабки тергов устидан суд назорати фақат мажбурлов, эҳтиёт чоралари доирасида амал қилар эди. Эндиликда эса бу назорат тергов ҳаракатларини ҳам қамраб олмақда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида тайёрланган ва 2017 йилнинг 1 апрелдан кучга кирган “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чоратадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Мазкур Қонун билан судлар нуфузи янада оширилганлигини айтиб ўтиш зарур. Масалан, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйишга ва мурдани эксгумация қилишга санкциялар бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга

ўтказилди, суд иши юритувида “Хабеас корпус” институтини қўллаш имкони янада кенгайтирилди ва жинойт процессида суд назорати роли ҳамда аҳамияти кучайтирилди. Бундан ташқари, юқоридаги қонунга мувофиқ, онунга мувофиқ, судларга қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш имконияти берилди. Бунда иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктириш бартараф этилди, суд томонидан жинойт ишини қўшимча терговга қайтариш институти бутунлай бекор қилинди

Дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш масаласи узок йиллардан буён процессуалист олимлар томонидан ўрганилмоқда. Хусусан, З.Ф.Иноғомжонова ўз тадқиқот ишида босқичма-боқич дастлабки терговдаги жиддий тергов ҳаракатлари: шахсни ўз розилигисиз гувоҳлантириш (145-модда), мурдани эксгумация қилиш (148-модда), олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш (161-модда), почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (166-модда), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (170-модда), шахсни экспертиза тадқиқотидан ўтказиш (181-модда) устидан суд назоратининг ўрнатилиши ҳуқуқий давлатда жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида намоён бўлади²², деб ёзади. Шунингдек, юридик адабиётларда дастлабки терговда мол-мулкни хатлаш чорасини ҳам фақатгина суднинг санкцияси асосида амалга ошириш таклиф қилинади²³.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини суриштирув ва дастлабки тергов даврида чекловчи барча процессуал ҳаракатлар устидан назорат айнан суд томонидан амалга оширилиши зарур. Чунки, жинойт ишлари юритуви субъектлари ичида фақат судгина айбловдан манфаатдор эмас ва ҳеч қандай тергов механизмларига тобе эмас. Суднинг тергов қонунийлигига солган назари ўз табиатига кўра, холис ва адолатлидир. Суднинг холислиги яна шу билан ҳам белгиланадики, судга қадар иш юритувида суд функцияси доимий характерга эга эмас, унинг таъсири судга суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг муайян процессуал ҳаракатлари устидан шикоят қилишда ёхуд у ёки бу процессуал ҳаракатни ўтказишга суд томонидан руҳсат берилишида намоён бўлади.

²² Иноғомжонова З.Ф. Жинойт процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. Юрид. фан. Док. ...дисс. –Т.: ТДЮИ, 2006. – Б.291.

²³ Саванков М.А. Предложения по вопросу совершенствования уголовно-процессуального законодательства Республики Казахстан// Вопросы совершенствования уголовного законодательства в рамках разработки нового Уголовно-процессуального кодекса Республики Казахстан: материалы международно-практической конференции. – Алматы, 2012. –С .123.

Дастлабки тергов босқичида суд назоратини амалга ошириш турлари ва шакллари борасида фикр билдириш ва тахлил қилишимизда биз биринчи навбатда шу соҳа назарийетчи олимларининг бу мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларини ва тахлил натижасида келинган хулосаларини баён этиш ва бунга ўз муносабатамизни билдиришни лозим топдик.

Жиноят процесси назариясида суд назоратини ўзига хос турли кўринишларда кўришимиз мумкин:

- 1) дастлабки терговдаги суд назорати;
- 2) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашдаги суд назорати;
- 3) ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишдаги суд назорати киради.

Бу назорат турлари, юқорида таъкидлаганимиздек, жиноят процессининг деярли барча босқичларини ўз ичига қамраб олади²⁴.

Процессуалист олим Н.Н.Ковтун ҳам уч турдаги суд назорати ҳақида фикр билдиради: 1) жиноят процесси иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ бўлган процессуал мажбурлов чораларининг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминлаш устидан назорат; 2) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлиги билан боғлиқ бўлган тергов ҳаракатларини ўтказишнинг қонунийлиги ва асосланганлиги устидан назорат; 3) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаш билан боғлиқ қонунга хилоф ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) ва процессуал ҳужжатлар устидан судга шикоят қилиш, шу билан суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш²⁵.

Процессуалист олим В.А.Яблоков суд назоратини қуйидаги мезонларга кўра таснифлаш зарур деб кенг маънодаги суд назорати шакллари баён қилади:

- 1) қарорларни ижро этиш ва уларни устидан назорат қилишнинг хронологик тартибига кўра дастлабки ва давомли бўлишига;
- 2) чегараланган конституциявий ҳуқуқ билан боғлиқ масалаларни суд томонидан текширишда - шахс дахлсизлиги, турар жой дахлсизлигига оид масалалар;
- 3) назорат ости актларига кўра - ҳаракат ва қарорлар;
- 4) бажарилиши мажбурий бўлган аломатига кўра - санкция бериш, шикоятларни кўриб ҳал қилиш;

²⁴ Иноғомжоновна З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006. –Б. 128

²⁵ Ковтун Н.Н. Судебный контроль в системе уголовного судопроизводства России. Монография. –Н.: Новгород, 2002. –Б. 143-151.

5) кайта кўриб чиқиш имкониятига кўра - бир марта кўриш, муттасил кўриш;

6) босқич билан боғлиқлигига кўра - жиноят ишини кўзғатишда ва дастлабки терговда;

7) хужжат ва қарорларни текшириш турига кўра - камоққа олиш, жиноят ишини кўзғатишни рад этиш жиноят ишини тугатиш ва хоказолар²⁶.

Суд назоратини огоҳлантирувчи турига:

1) Эҳтиёт чораси сифатида камоққа олиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиш;

2) камоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш;

3) гумон қилинувчи, айбланувчини лавозимидан четлаштириш;

4) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ фаолияти киради.

Суд назоратини амалга оширилган ёки оширилаётган ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар ва қарорларни текшириш турига:

1) тергов ҳаракатларининг қонуний ҳам асослантирилган ҳолда ўтказилганлигини текшириш;

2) дастлабки терговда қабул қилинган қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) устидан тушган шикоятларни кўриб чиқишни киритиш мумкин.

Суд назоратининг объекти ҳақида юридик адабиётларни ўрганиш шундан далолат бердики, ҳозирда бу хусусда ҳам унга фикр мавжуд:

1. Айрим олимларнинг фикрича, суд назорати дастлабки терговнинг айрим томонларига, чунончи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ бўлган процессуал мажбурлов чораларига, эҳтиёт чоралари қўлланилишида аралашishi мумкин. Энг муҳими, Конституцияда белгиланганидек, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи принципига амал қилишлари лозим. Дастлабки терговга масъул бўлган мансабдор шахслар, уларнинг қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизликлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор чиқариш ваколатларига эга бўладилар.

2. Бошқа олимлар суд назорати дастлабки терговда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ бўлган масалаларда ҳамда жиноят ишларини юритишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларда (Жиноят ишини кўзғатишни рад этиш, жиноят ишини тугатиш, жиноят ишини тўхтатиш ҳолларида) аралашishi керак деб ҳисоблайдилар.

3. Баъзи бир олимлар эса дастлабки терговда суд назорати татбиқ қилинмасдан олдин ҳам жиноят иши юзасидан ҳақиқат очилиб, айбдорлар

²⁶ Яблоков В.А. Реализация судебной власти на досудебных стадиях уголовного процесса России. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Самара. 2001. –Б. 11-12.

фош этилиб, жиноятга қарши кураш ва уни олдини олиш сиёсати яхши олиб борилган. Одил судлов суд ҳокимиятининг фаолияти сифатида ўз ўрнига ва обрўсига эга бўлган. Суднинг дастлабки терговга аралашуви унинг мустақиллигига таъсир этиши билан бир қаторда дастлабки терговга жуда катта салбий таъсир кўрсатади, чунки унинг фаолиятида муҳим бўлган сир сақлаш талаби бузилади, деган фикрдалар.²⁷

Фикримизча, дастлабки терговдаги суд назоратининг объектига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Қонун билан белгиланган тартибда жиноят процессининг ваколатли субъектлари томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ бўлган масалаларга суднинг розилиги ҳамда қарори зарур бўлган ҳолатлар;

2. Жиноят иши натижасидан манфаатдор бўлган барча иштирокчиларнинг дастлабки тергов органлари ва прокурорнинг жиноят ишини юритишга тусқинлик қиладиган ҳужжатлари (содир бўлган жиноят ҳақида берилган аризани қабул қилмаслик, жиноят ишини кўзғатишни рад этиш, жиноят ишини тугатиш кабилар) устидан берилган шикоят;

3. Жиноят процессуал қонунчилигида белгиланган иш юзасидан назорат қилувчи ёки прокурорлик назоратини олиб борувчи шахслар суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) устидан тушган шикоятларни ўз вақтида кўрмаётганликлари тўғрисидаги ариза.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар юзасидан суриштирувчи, терговчи ва прокурор фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, жиноят ишини юритишга тусқинлик қилиш, шунингдек, суриштирув органининг бошлиғи, тергов бўлими ва тергов бошқармасининг бошлиғи ёки прокурорнинг берилган шикоятга нисбатан рад этиш тарзидаги фаолияти суд назоратининг предметини ташкил этиши мумкин.

Дастлабки терговда суд назоратининг ҳажми ва чегараси катъий белгиланиши судьяларнинг мустақиллигини таъминлайди. Дастлабки терговда холис судьяларнинг фаолияти жиноят процессининг кейинги босқичларида давом этадиган суд назоратини мантиқан бошлаб бериши керак.

Дастлабки терговда суд назорати суд мажлиси шаклида ёпиқ олиб борилади. Чунки, суд мажлиси - назарий ва амалий жиҳатдан ўзини оқлаб келаётган шакл. Суд ҳокимияти ўз ваколатларини айнан шу шакл орқали амалга оширади. Қонунда белгиланган тартиб асосида амалга ошириладиган

²⁷ Ефимичев С.П. Разделение властей и проблемы борьбы с преступностью // Проблемы совершенствования прокурорского надзора. -М.: 1997. -Б. 176-183.

бу шакл жинойт судлов ишларини юритишдаги вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

Бундан давлат, жамият ва шахс бирдай манфаатдор. Энг муҳими, ҳуқуқий манфаатга эга бўлган иштирокчилар (гумон қилинувчи, айбланувчи) унинг номидан иш кўрувчи (ҳимоячи, қонуний вакил) исботлаш бурчи юклатилган ваколатли шахслар (терговчи, прокурор) демократия ва суд маданиятига асосланган ҳолда умумий ва шахсий манфаатларни қонуний ва асосли ҳал бўлишига эришадилар. Суд мажлисини ўтказиш тартиби ҳам процессуал қонунда аниқ белгиланган. Хорижий давлатларнинг жинойт процессуал қонунчилигида аниқ кўрсатилган, яъни дастлабки терговда суд назоратини амалга ошириш учун ўтказиладиган суд мажлиси беш қисмдан иборат бўлади (Россия Федерацияси ЖПКнинг 125-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 109-моддаси, Белорусь Республикаси ЖПКнинг 144-моддаси ва ҳ.к.). судга келиб тушган шикоят, илтимоснома, талабнома асосида:

1) суд мажлисига тайёргарлик кўрилади. Бунда судья камокқа олишга ёки камок муддатини узайтиришга сабаб бўлган жинойт ишидаги материални, ушбу қарорни қабул қилган мансабдор шахснинг тушунтиришини талаб қилиб олади ва мансабдор шахсни, шикоят берган гумон қилинувчи, айбланувчини суд мажлисининг ўтказилиш вақти ҳақида хабардор қилади. Суд мажлиси унумли ўтиши учун судья бошқа чораларни ҳам кўриши мумкин;

2) суд мажлиси суд муҳокамасига чақирилганларнинг келган-келмаганлигини, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсини аниқлайди ва раислик қилувчи тушган шикоят, илтимоснома ва талабномани ўқиш билан суд мажлисининг асосий қисмини бошлаб беради. Сўнгра шикоят берган процесс иштирокчисига, унинг ҳимоячисига, қонуний вакилига сўз беради. Улар терговчи, прокурорнинг камокқа олиш ёки камок муддатини узайтириши тўғрисидаги қарорларининг ноқонуний ёки асоссиз эканлиги хусусида далиллар келтирадилар. Ўз ўрнида терговчи, прокурор ҳам ўз қарорларини қонуний, асосли эканлигини исботловчи далиллар келтирадилар;

3) судья тақдим этилган материалларни таҳлил қилади ва улар юзасидан изоҳ талаб қилади;

4) суд мажлисида иштирок этаётган тарафларнинг (ҳимоячи, қонуний вакил, прокурор) сўзларини эшитади;

5) суд қарор қабул қилиш учун маслаҳатхонага киради ва қарорини эълон қилади.

Ушбу фаолиятни дастлабки терговда суд назоратини исботлаш деб айтиш мумкин, чунки исботлашнинг объекти - қамокқа олиш ёки қамокда ушлаб туриш тўғрисидаги қарорларининг қонунийлиги ҳамда асослилигини тасдиқлаш ёки рад этиш; исботлаш бурчи юклатилган жиноят ишлари бўйича судья; исботлашда иштирок этадиганлар гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, қонуний вакил, терговчи, прокурор, исботлаш воситалари - тергов органлари, прокурор томонидан тақдим этилган материаллар ҳамда қўшимча талаб қилиб олинган ёки тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлари.

Судья қамокқа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш, қамокда сақлаб туриш муддатини узайтиришни ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик), чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги ва асослангилганини атрофлича ўрганиб, ажрим чиқаради. Агар тақдим этилган материаллар асосидаги илтимосни ноқонуний ёки асоссиз деб топса, тўпланган далиллар номақбул деб ҳисобланади. Бундай ҳолда жиноят ишлари бўйича судья бу ҳаракатни ўтказишга розилик бермаслиги мумкин²⁸.

Масалага бундай ёндашиш жуда муҳим аҳамиятга эга, чунончи: 1) бу - инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча қафолати бўлиши билан бирга терговчини қонуний ва асослангилгани фаолият юритишга ундайди; 2) йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилиши далиллар тизимининг қарама-қарши бўлмаслигини, тергов ишларини тўла, ҳар томонлама, холисона олиб борилишини, ҳақиқатни ўз вақтида юзага келишини таъминлайди.²⁹

Юқоридагилардан маълумки, қарор қабул қилувчи судья тақдим этилган материалларга ҳам, процесс иштирокчиларининг изоҳига ҳам бефарқ эмас, лекин шу ўринда ўзининг мустақил фикрига ҳам эга. Суд мажлисида баённома юритилади. Лекин баённома юритилиши шартмикан деган мулоҳаза ҳам йўқ эмас. Назарий, амалий жиҳатдан бу мулоҳазани қабул қилиб бўлмайди, албатта. Чунки, суд мажлисининг баённомаси унинг ойнаси ҳисобланади. Юқори судга тушган шикоят асосида иш юритганда, далил манбаи сифатида суд баённомаси ўрганилади.

Назорат саволлари:

1. Шахсга нисбатан қайси ҳолатларда қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилади

²⁸ Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006. –Б. 42

²⁹ Абдумажидов Ғ.А. Суд назорати янада кучайтирилиши лозим // Дастлабки терговда суд назоратини ташкил қилиш муаммолари мавзусида илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.44.

2. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш мажбурлов чораси моҳиятини тушунтиринг.
3. Айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш тартибини тушунтиринг.
4. Суд экспертизасини ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари ва муддатларига тўхталинг.
5. Мурдани эксгумация қилиш асосларини тушунтиринг
6. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тартибига тўхталинг.

4. Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текшириш масалалари

Режа:

1. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш турлари
2. Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқи ҳамда унинг таъминланиши
3. Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки
4. Юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси ва муддатлари
5. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари

Таянч сўзлар: апелляция, кассация, назорат инстанцияси, протест, шикоят, ҳукмни бекор қилиш, ҳукмни ўзгартириш.

Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш чиқарилган суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори инстанция суди томонидан текширишнинг муҳим шакли бўлиб, суд хатоларини бартараф этишга қаратилгандир.

Жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган ҳимояланишга бўлган ҳуқуқ процесснинг барча иштирокчиларига судда иш юритишнинг ҳар қандай босқичида таъминланмоғи лозим. Шунга мувофиқ ЖПКнинг 497², 498 ва 510-моддаларида назарда тутилган процесс иштирокчилари биринчи инстанция суди чиқарган ҳукм ва ажрим устидан апелляция ҳамда кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга, шунингдек суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят беришга ҳақли. Суд апелляция, кассация шикояти тушганлиги, шунингдек апелляция, кассация ва назорат протести билдирилганлигидан мазкур шикоят ва протест процесс иштирокчиларидан қайси бирининг манфаатларига тааллуқли бўлса, шу иштирокчиларнинг барчасини хабардор қилади ҳамда бу ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини маҳкумга, жабрланувчига ва оқланган шахсга юборади. Юқорида зикр этилган шахсларнинг барчаси иш билан, шунингдек тақдим этилган қўшимча ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ва судга ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқига эга.

Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўришга, агар ишни қайта кўриш учун асос бўлаётган ҳамда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни, жазони кучайтирадиган (оғирлаштирадиган) ёки маҳкумнинг (маҳбуснинг), оқланган шахснинг аҳолини ёмон-

лаштирадиган қонунни қўллашни кўзда тутувчи шикоят ёки протест маҳкумга (маҳбусга), оқланган шахсга тегишли тартибда танишиш учун топширилган бўлса ва шу аснода уларга шикоят ёки протест ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқи реал тарзда таъминланган бўлсагина йўл қўйилади.

Суд иш кўриладиган кун ва жойни белгилайди ҳамда бу ҳақда апелляция ёки кассация шикояти берган шахсни ва шикоят ёки протест процесс иштирокчиларидан қайси бирининг манфаатларига таалуқли бўлса, шу иштирокчиларни хабардор этади.

Жиноят-процессуал кодексида апелляция инстанциясида иш кўрилаётганда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар аниқ санаб ўтилган. Булар маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячи ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари дир. Ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан шикоят берган бўлсалар, улар ҳам апелляция инстанциясида иш кўрилишида иштирок этишга ҳақлидирлар. Кўрсатилган иштирокчиларнинг ҳаммаси, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумни истисно этганда, ишни кассация ва назорат тартибида кўриб чиқишда ҳам иштирок этишга ҳақлидир. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг ишни кўришда иштирок этиши, шунингдек маҳкумни кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисига олиб келиниши зарурлиги тўғрисидаги масалани ишни кассация ёки назорат тартибида кўраётган суд ҳал қилади.

Жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида прокурор иштирок этади.

Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини юқори инстанция суди томонидан кўриш чегараси белгиланган. Юқори инстанция суди ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини ишдаги мавжуд материаллар ҳамда процесс иштирокчилари қўшимча тақдим этган ёки суд талаб қилиб олган материаллар асосида, янги очилган ҳолатлар бўйича иш қайта кўрилаётганда эса шу ҳолатларни ўрганиш материаллари асосида текширади.

Жиноят ишини апелляция, кассация инстанцияси судида кўриш иш шикоят ёки протест билан келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан, назорат инстанцияси судида эса бир ойдан кечикмай бошланиши лозим. Қонун ҳужжатларида ўта мураккаб ишларни кўришда ва бошқа алоҳида ҳолларда мазкур муддатни узайтириш имконияти назарда тутилган. Бундай ҳуқуққа қуйидагилар эга: бу муддатни тегишли суд раиси кўпи билан ўн беш кунга, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг

ўринбосари кўпи билан бир ойга узайтиришга ҳақли. Жиноят ишининг кўриб чиқилиши муддатини узайтириш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида процесснинг барча манфаатдор иштирокчиларини юқори суд хабардор қилади.

Иш кўришни бошқа кунга қолдиришга узрли сабаблар бўлгандагина йўл қўйилади. Агар иш кўришда иштирок этувчи шахслар иш кўрилиши ҳақида ўз вақтида ва тегишли тартибда хабардор қилинган бўлса-ю, судда ҳозир бўлмаса ва судга келмаганлигининг узрли сабаб-лари тўғрисида бирон-бир тарзда хабар бермаса, бундай ҳолларда суд ишни уларнинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши ва ажрим чиқариши лозим, бу ажрим суд мажлиси баённомасига киритилади.

Қонунда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди ҳукми бекор қилишга (ёки уни ўзгартиришга) ҳақлилиги ёки ҳақли эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ортиқча расмийлаштиришдан холи бўлиш ва шу билан бирга иш юритишда йўл қўйилиши мумкин бўлган барча қоидабузарликларни қамраб олиш имконини берадиган умумлашма асослар (ЖПКнинг 484-моддаси) тизими назарда тутилган бўлиб, бу асослар юқорида зикр этиб ўтилган тақиқларга риоя этилган ҳолда ҳукми бекор қилиш ёки уни ўзгартиришга олиб келади.

Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари ишни юритишда йўл қўйилган, ҳукмининг қонуний ва асосли эмаслигидан далолат берувчи ҳамда ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартиришни тақозо этувчи қоидабузарликлардир.

Ана шу асослар, иш апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриляётганлигидан қатъи назар, у ёки бу тарзда иш юритишнинг мазмун ва чегарасини белгилаб беради. Юқори суд ҳам, ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган субъектлар ҳам ўз фаолиятларида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг умумий мезонларини белгилов-чи апелляция, кассация ёки назорат асослари ишда бор-йўқлигига қараб иш тутадилар.

Апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёхуд ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

1. Суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги. Ҳукм чиқаришда аниқланиши муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар аниқланмай қолган суд тергови бир ёқлама олиб борилган ёки тўлиқ бўлмаган тергов ҳисобланади. Бу асос мазкур иш бўйича исботлаш предметига кирадиган ҳолатларнинг ҳаммаси текширилганлиги ва аниқланганлиги, шу аснода иш ҳолатлари ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона текширилишига оид талабга риоя этилганлиги текширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 485-моддасида суд терговининг тўлиқ эмас ёки бир ёклама ўтказилган деб топишга асос бўладиган қоидабузарликлар алоҳида кўрсатиб ўтилган: а) айбланиш ва ҳукм қилиш учун, реабилитация этиш учун, айбилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асос бўладиган ҳолатлар етарлича тўла аниқланмаган бўлса; б) кўрсатувлари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилинмаган, зарур бўлишига қарамай экспертиза ўтказилмаган, ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган ёхуд натижалари иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа суд-тергов ҳаракатлари ўтказилмаган бўлса; д) ишни янгидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга юборган назорат инстанцияси судининг ажримда ёки қарорида баён қилинган ҳолатлар текширилмаган бўлса.

2. *Ҳукмда баён қилинган суд хулосалари жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги.* Мазкур асос қўйидаги ҳолларда ўринли деб ҳисобланади: а) суд хулосалари суд мажлисида кўрилган далиллар билан тасдиқ-ланмаган бўлса; б) суд ўз хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаган бўлса; д) иш учун муҳим аҳамиятга молик ҳолатларга оид далиллар бир-бирига зид бўлгани ҳолда, суд қайси асосларга кўра далиллардан баъзиларини ишонарли деб топиб, бошқаларини рад этганлиги ҳукмда кўрсатилмаган бўлса; ф) суднинг ҳукмда баён қилинган хулоса-ларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айбилиги масаласини ҳал қилишга, Жиноят кодекси нормаларини тўғри қўллашга ёки жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатиши мумкин бўлса.

Бошқа асослар каби мазкур асослар ҳам ҳукмнинг асосли эмаслигини очиқ беради. Бундай асоснинг мавжудлиги суд ҳукмда ҳақиқатни аниқламаганлигидан далолат беради. Мазкур асос бўйича ҳукм ё бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши керак. Ҳукм суд хулосаларининг ишдаги ҳақиқий ҳолатларга номувофиқлиги маҳкумнинг айбилиги ёки оқланган шахснинг айбдор эмаслиги масаласини ҳал этишга таъсир этиши мумкин бўлган ҳолларда бекор қилинади. Бошқа ҳолларда эса ҳукм ўзгартирилиши мумкин.

3. *Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши.* Жиноят-процессуал қонунининг нормаларини жиддий бузиш деганда ишни юритишда процесс иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари-дан маҳрум этиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш билан ёхуд бошқа йўл билан судга ишни атрофлича, ҳар томонлама кўришга ҳалақит берувчи қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир этувчи ёки таъсир этиши мумкин бўлган қонунбузарликлар тушунилади. Жиноят-процессуал

қонуни нормаларининг жиддий бузилиши иш юритишнинг қонун билан белгиланган тартибининг умумий негизига зарба беради ва қоида тариқасида, ҳукм бекор қилинишига олиб келади. Бу асос баҳо бериш хусусиятига эга. У ёки бу қоидабузарликнинг жиддий қоидабузарликлар тоифасига киритилиши ёки киритилмаслигини алоҳида олинган жинойт ишининг муайян, аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал этиш мумкин. Қонун нормаларини у ёки бу тарзда бузишни жиддий бузилиш деб эътироф этиш муайян ишнинг ҳолатлари билан белгиланадики, унинг оқибатида бундай қоидабузарликни шартли қоидабузарлик деб номлашга одатланилган.

Айни чоғда жинойт-процессуал қонунда шартли жиддий қоидабузарлик тавсифи берилиши билан бир қаторда ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигига таъсирини аниқлаш талаб этилмайдиган қонунбузарликларнинг алоҳида гуруҳи ҳам ажратиб кўрсатилган. Улар барча шароитда ва кўрилатган ҳар қандай жинойт иши бўйича жиддий бузилиш деб топилади. Бундай асосни кўриб чиқиш оқибати ҳукми бекор қилишда ўз ифодасини топади, чунки бундай қоидабузарлик ҳамма вақт ҳукмнинг адолатлилигини шубҳа остига кўяди. Ана шу жиддий қоидабузарликларни қонуннинг шак-шубҳасиз жиддий бузилиши деб атайдилар.

Қонун нормаларининг шак-шубҳасиз жиддий бузилиши деб аталадиган гуруҳга қуйидагилар киради: а) ҳукми қонунга ҳилоф таркибдаги суд чиқарган бўлса; б) судянинг ҳукми яққа ўзи чиқариши тартиби ёки ҳукм чиқаришда судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса; д) қонунга кўра судланувчи судга келиши шарт бўлгани ҳолда иш унинг йўқлигида кўрилган бўлса; э) суриштирув ёки дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаган бўлса; ф) ҳимоячига эга бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаган бўлса; г) судланувчига охириги сўз берилмаган бўлса; х) судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса; и) қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-да, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса; ж) ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлари бўла туриб, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса; к) суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёки имзоланмаган бўлса.

Юқорида санаб ўтилган қоидабузарликлар жинойт-процессуал қонунининг нормаларини, шак-шубҳасиз, жиддий бузишдир.

4. *Жинойт кодекси нормаларининг нотўғри қўлланиши.* Бундай асос қуйидаги ҳолларда мужассам бўлади: а) суд қўлланилиши керак бўлган

қонунни қўлламаган бўлса; б) суд қўлланилиши керак бўлмаган қонунни қўллаган бўлса; д) қонун нотўғри, яъни аниқ мазмунига зид тарзда талқин этилган бўлса. Бу тоифадаги асосларнинг анча кенг учрайдиган варианты айбланувчининг (маҳкумнинг) ҳаракатларини жиноят – ҳуқуқ бўйича тавсифлашдаги хатоликларда учрайди. Жиноят тўғрисидаги қонун нормалари нотўғри қўлланилганлигини аниқлагач, суд ҳукми ўзгартиради.

Жиноят-процессуал кодексининг 488-моддасига кўра, Жиноят кодекси нормалари қуйидаги ҳолларда нотўғри қўлланилган деб эътироф этилади, башарти:

1) Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талаблари бузилган бўлса;

2) жиноят тавсифи Жиноят кодексининг қўлланилиши керак бўлган моддаси (модданинг қисми, банди) ўрнига бошқа моддаси (модданинг қисми, банди) билан берилган бўлса;

3) маҳкумга Жиноят кодексининг мазкур моддасида назарда тутилмаган жазо тури ва меъёри тайинланган бўлса.

5. Жазонинг адолатсизлиги. Бундай асоснинг мазмун ва даражаси жиноят тўғри тавсифланган, жазо ҳам тўғри қўлланилган қонун доирасида белгиланган, аммо жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан мазкур жазо содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси ва маҳкумнинг шахсига номувофик бўлган ҳолларни қамраб олади. Буни мустақил асос сифатида ажратиб кўрсатилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки у суднинг эътиборини жазо меъёрини индивидуаллаштириш билан боғлиқ вазифага, том маънода адолатли бўладиган жазо тайинлашга қаратади.

Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрувчи суднинг ваколатлари. Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқиб, ЖПКнинг 497¹³, 506¹ ва 521-моддаларига мувофик қарор қабул қилади.

Назорат инстанцияси суди жиноят ишини назорат тартибида кўриб қисман суд тергови ўтказиш йўли билан камчиликларни тўлдириш ёки аниқланган камчиликларни ёхуд процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлмаган тақдирда, апелляция ёки кассация ажримини бекор қилади, шунингдек агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилади ва ишни янгитдан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказади.

Апелляция, кассация инстанцияси суди тўлиқ ёки қисман суд тергови ўтказишга, ҳукми бекор қилишга ва янги ҳукм чиқаришга ёхуд ҳукмга ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

Назорат инстанцияси суди, агар биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанциялари суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Юқори инстанция суди асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумни ўта хавфли ретсидивист деб топишга, унга жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтиришга ҳақлидир.

Юқори инстанция суди ҳукмнинг айрим маҳкумларга қўйилган айблов қисмини ёки фуқаровий даъво қисмини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақлидир.

Назорат саволлари:

1. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг қандай турлари бор?
2. Жиноят ишининг юқори суд томонидан кўрилишида иш кўриладиган жой ва вақт ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги қандай оқибатга иолиб келади?
3. Юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси нималарни ўз ичига олади?
4. Апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун нималар асос бўлади?

5. Коррупцияга қарши курашиш бўйича замонавий талаб ва стандартлар

Режа:

1. Коррупцияга қарши курашишнинг тушунчаси, мазмун моҳияти.
2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича хорижий тажрибани манбалар асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш.

1. Коррупцияга қарши курашишнинг тушунчаси, мазмун моҳияти
коррупция – атама латинча “corruptio” сўздан келиб чиққан бўлиб, “бузиш”, “сотиб олиш” деган маъноларни англатади. Ушбу икки сўз коррупциянинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

БМТ Бош қотиби А.Гуттериш томонидан келтирилган маълумотларга асосан жаҳон ҳамжамиятида ҳар йили **1 триллион** АҚШ доллар ҳажмида пора бериш ва олиш ҳолатлари содир этилади. Дунё иқтисодиёти ҳар йили коррупция туфайли **2,6 триллион** АҚШ долларидан ортиқ маблағдан айрилади, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **5 фоизини** ташкил этишини маълум қилган эди.

Агарда миллий доирда коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилиш статистик рақамларга тўхталадиган бўлсак, 2017–2020 йиллар давомида **6.127 нафар** мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган. Булардан 2018 йил давомида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига жами **351 та (2019 й. 129 та)**, давлат улуши бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор

шахсларига 2018 йил давомида **362 та (2019 й. 401 та)** жиноят иши мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, мансабдор шахсларнинг коррупцияга оид жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2017 йилда **142 млрд. 662 млн. сўм**, 2018 йилда **559 млрд. 174 млн. сўм**, 2019 йилда эса **1 трлн. 853 млрд. сўм** миқдорида моддий зарар етказилган.

1979 йил 17 декабрда қабул қилинган Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексида: “Коррупция тушунчаси миллий ҳуқуқда белгиланиши лозим”, деб қайд этилган, лекин мазкур ходисанинг намунавий таърифи келтирилган: “...мансабдор шахс ўз мансаб ваколатлари соҳасида ҳар қандай шаклдаги ҳақ эвазига мазкур ҳақни берувчининг манфаатларида, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги”.

БМТнинг халқаро миқёсда коррупцияга қарши кураш бўйича маълумотида коррупция тушунчасига қуйидагича таъриф бериб ўтилади: **“Коррупция – бу шахсий мақсадларда наф кўриш учун давлат ҳокимиятини сунистеъмол қилиш”**.

1994 йилнинг 31 декабрида “Financial Times” газетаси 1995 йилни “Коррупция йили” деб эълон қилганлиги кўпчиликка маълум. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса коррупцияга оид саводхонликни ташвиқот қилиш учун 9 декабрни **“Коррупцияга қарши кураш халқаро куни”** деб таъсис этди ва ушбу кун 2004 йилдан бошлаб халқаро доирада нишонланиб келинади.

Коррупция ривожланган жамиятларда унинг қуйидаги турлари тез-тез учрайди:

– *Маиший коррупция, асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида манфаатлар тўқнашади;*

– *Ишбилармонлик коррупцияси, бу ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъект (бизнесмен)лари билан муносабатларида учрайди;*

– *Олий ҳокимият органлари коррупцияси, бу демократик жамиятларда сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида кўзга ташланади.*

Коррупциянинг миқёси ва камровини белгиловчи омилларнинг куйидаги гуруҳларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Антропологик омиллар: инсоннинг зиддиятли табиати, эзгулик ва ёвузликнинг доимий кураши, инсоннинг кам куч сарфлаб кўпроқ фойда олишга интилиши ва ш.к.

Иқтисодий омиллар:	тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги трансакциявий харажатлари (“қонунга бўйсунмиш баҳоси”), бозор хўжалиги доирасидаги рақобат, иқтисодиётнинг турли секторларининг нотекис ривожланиши, инфляция, алмашув курсларининг кескин ўзгариб туриши, солиққа тортиш тизими ва бошқалар.
Ижтимоий омиллар:	жамиятнинг ижтимоий табақалашуви, «хавф гуруҳлари»нинг мавжудлиги, меҳнат қонунчилигининг бузилиши, муҳожир ишчилар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишда ижтимоий адолат принципларига риоя этилмаслиги ва ҳ.к.
Ҳуқуқий омиллар:	тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси номукамаллиги, бозор хўжалигининг ўзгариб боровчи шарт-шароитлари билан мавжуд қонунчилик базаси ўртасида зиддият мавжудлиги, уй хўжалигининг тартибга солинмаслиги ва ш.к.
Ахлоқий омиллар:	қонунчилик ҳамда тадбиркорликнинг ахлоқий асослари ўртасидаги зиддиятлар, давлат ва жамият, давлат ва индивид манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар; миллий анъаналарнинг ҳисобга олинмаслиги, диний қоидаларнинг таъсири ва бошқалар.
Сиёсий омиллар:	ҳокимият ва йирик капитал ўртасидаги ўзаро муносабатлар, олигархиянинг шаклланиши, ҳокимият кучи ҳамда иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатишнинг кучга асосланган усуллари ўртасидаги нисбат. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжлари ва давлат сиёсати ўртасидаги зиддият ва ш.к.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришда кўйидаги масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур:

Биринчидан, қонун ҳужжатларида ҳали-хамон коррупциоген (коррупциявий омиллар келтириб чиқарувчи) нормалар мавжудлиги ва ушбу нормаларни экспертизадан ўтказишнинг самарали механизми амалда

йўлга кўйилмаганидир. Яъни қонун ҳужжатларидаги у ёки бу нормаларнинг ўзи коррупция ҳолатларига йўл кўйиб бериши, айрим давлат идораларига ортиқча ваколат берилаётгани ёки ваколатнинг суиистеъмол қилинишига ҳуқуқий асоснинг руҳсат бериш ҳолатлари мавжудлигидир.

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашиш тизимини тубдан ислох этиш зарур. Яъни мавжуд тизим негизида, давлат раҳбари томонидан лавозимига тайинланадиган ва парламент юқори палатасига ҳисобдор бўлган мустақил давлат агентлигини таюшқил этиш мақсадга мувофиқ. Коррупцияга қарши тузилмаларнинг бир нечта давлат идораларида фаолият кўрсатиши бир-бирининг фаолият ва ваколатларини такрорласа, иккинчи жиҳатдан битта идорада ҳам ушбу тузилма ва тергов органининг фаолият юритиши ўз-ўзидан шу органга судлар фаолиятига таъсир этиш механизмини тақдим этади, судлар мустақиллигига путур этади, пировардида эса одил судловни тўла таъминлаш қийинлашади.

Учинчидан, бугунгача коррупция дейилганда, аҳолининг кўпчилик қисми Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг (210-моддаси) пора олиш, (211-моддаси) пора бериш, (212-моддаси) пора олиш-беришда воситачилик қилишни назарда тутувчи диспозицияларни тушунишарди. Ваҳоланки, шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ, гуруҳлар манфаатлари йўлидаги ҳаракатлар, ходимларни пора ва бошқа ҳақ эвазига оғдириш йўлидаги ҳаракатларга эътибор кам. Шу боисдан “манфаатлар тўқнашуви”ни ЖКда ҳуқуқий норма сифатида аниқ ёритиш, Олий суд томонидан расмий тушунтириш берилиши, бу борада санкция масаласини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим.

Тўртинчидан, ноқонуний (рўйхатдан ўтмаган) бизнеснинг умумий бизнесдаги салмоқли ўрни, яъни яширин иқтисодиёт, нақд пулнинг ноқонуний айланмаси, солиққа тортилмайдиган маблағнинг катта миқдори сақланиб қолаётгани ҳамда ушбу ноқонуний бизнес ва пул айланмасини қонунлаштириш, легаллаштириш йўлига ўтказишнинг самарали механизми жорий этилмаган. Шунингдек, даромадни декларация қилиш тизимини мукамал тартибга солиш лозим бўлади.

Бешинчидан, ҳар бир жабҳада парламент назоратини такомиллаштириш лозим бўлади.

Олтинчидан, ривожланган қатор давлатларда айнан коррупцияга қарши кураш борасида ҳам шу ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқалар тузилмаси раҳбарлик тузилмаларидан бири саналади ҳамда ОАВ

билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилади ва жамоатчилик назорати асосий рол ўйнайди.

Еттинчидан, коррупцияга қарши курашда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлик масаласини ошриш лозим бўлади. Шу боис мактабларда, олий таълим ва ундан кейин, айниқса, коррупцияга қарши кураш тизими учун кадрлар захирасини шакллантиришда маънавийт дарсларини кенг йўлга қўйиш айтиш муддао.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича хорижий тажрибани манбалар асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш

Коррупцияга қарши курашнинг Европа механизми - Коррупцияга қарши кураш Европа иттифоқи ва Европа Кенгашининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлар ташкил этади. Булар: Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь); Европа Кенгашининг коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь); Европа Кенгашининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь); Коррупцияга қарши курашнинг йигирмата принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1997 йил 6 ноябрь); Давлат хизматчилари учун Модель хулқ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2000 йил 11 май); Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2003 йил 8 апрель); Молиявий тизимдан пулни тозалаш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги ЕИИ Директиваси (1991 йил 10 июнь); Пулни легаллаштиришга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни тозалашга қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси 2002 йил 8 февраль).

Коррупцияга қарши курашнинг Европа Кенгаши ҳужжатлари – Европа Кенгаши 1949 йил 05 майда ташкил қилинган бўлиб, 47 давлатни ўз ичига олган. У умумий европа масалаларини муҳокама қилиш бўйича форум ҳисобланади. Унинг низоми аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни кўллаб қувватлаш, ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларини қамраб олган. Европа Кенгашининг коррупцияга қарши сиёсатини амалга оширишда иккита конвенция алоҳида ўрин тутади: **Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция ва Коррупция учун жиноий жавобгарлик**

тўғрисидаги конвенция. Иккала конвенция ҳам 1999 йил қабул қилинган. Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция 1999 йил 27 январда, унга қўшимача протокол 1999 йил 15 май қабул қилинди. Бу конвенция ОЭСР конвенциясидан фарқ қилган ҳолда, хорижий мансабдор шахсларнинг пассив порахўрлиги учун жиноий таъқиб қилиш, хусусий секторда ҳам порахўрликка қарши курашиши масалаларини ҳам ўз ичига олган.

Коррупцияга қарши курашишда халқаро ҳуқуқий асослар.

БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР), ЕХХТ, Европа Кенгаши, ЕИ, ФАТФ каби халқаро ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши кураш соҳасидаги бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Булар ичида БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган), БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган), Терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш бўйича молиявий ташкилотлар учун FATF тавсиялари (2002 йил), Иш юзасидан халқаро операцияларни амалга оширишда чет эллик давлат мансабдор шахси томонидан пора беришга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) томонидан қабул қилинган 1997 йил 21 ноябрь), Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Америкалараро конвенцияси (Каракас, 1996 йил 29 март), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш борасидаги Стамбул ҳаракат дастури 2003й. алоҳида аҳамият касб этади.

БМТ томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 й.), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 й.), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 й.), Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 й.) ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Коррупциянинг нафақат миллий жиноятчилик, балки трансмиллий жиноятчилик эканлиги тўғрисидаги фикрлар ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб айтила бошланган эди.

1998-1999 йилларда Европа комиссиясидаги бир қатор шахсларнинг ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиши, молиявий найрангларда айбланиши халқаро жамоатчиликни янада ҳушёрроқ бўлишга ундади.

1990-йилларда коррупциявий қилмишлар халқаро спорт ташкилотлари фаолиятида ҳам юз бергапи кўпчиликка маълум бўлса керак.

Кейинги ўн йилликда қатор халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши курашда ташаббускорлик кўрсатиб, халқаро ҳамжамиятни бу иллатнинг олдини олишда ҳамкорликка даъват этиб келмоқда.

Коррупцияга қарши курашга ўз фаолиятида алоҳида эътибор бериб келаётган қуйидаги халқаро ташкилотларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

БМТнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:

1) “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси” (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);

2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);

3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);

4) БМТнинг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);

5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);

6) БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);

7) БМТ Форумининг офшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

8) Коррупцияга қарши кураш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат Режаси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган)

9) БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

Бу ҳақида 1996 йилда қабул қилинган БМТнинг «**Халқаро тижорат операцияларида порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш тўғрисида**»ги **Декларацияси** ҳам мавжуд. Ушбу Декларацияда аъзо давлатларнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида коррупциянинг барча шаклларига қарши курашишда аниқ ва самарали чораларини кўриши, амалдаги қонунларнинг самарали ижро этилиши, хорижий давлат мансабдор шахсларининг порахўрлиги учун жиноий жавобгарликни белгилашда самарали усулларни қўллаш, порахўрликнинг асосий белгилари, мансабдор шахсларнинг таъмагирлиги, халқаро тижорат операцияларида мансабдор шахсларнинг ўз вазифасидан четга чиқиши, коррупцияга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигидан максимал даражада ҳамкорлик қилиш, ҳамкорлик қилиш шакллари, маълумотларни алмашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган .

БМТ доирасида қабул қилинган 1996 йилдаги резолюцияси билан тасдиқланган “**Давлат мансабдор шахслари ахлоқининг халқаро кодекси**”да давлат мансабдор шахслари фаолиятининг принциплари белгилаб берилган эди. Ушбу кодексида давлат мансабдор шахсларининг вазифалари, давлатлар манфаатлари коллизияси, активлар ҳақида маълумот алмашиш, совғалар ва диққатни жалб қилувчи бошқа белгилар, махфий маълумотлар каби масалалар келтирилган.

БМТнинг юқорида қайд этилган ҳужжатларида коррупциянинг халқаро характери ва унга қарши курашнинг воситалари ва методлари ҳақида тавсиявий қоидалар ўз аксини топган. БМТ томонидан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган “**Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш**” Конвенциясида коррупциянинг трансмиллий характердаги жиноят эканлиги ва унга қарши курашда Конвенцияга қўшилган мамлакатларнинг мажбуриятлари ва коррупцияга қарши курашнинг кенг қамровли чоралари ўз аксини топган.

БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси - Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат. Конвенция 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТ томонидан қабул қилинган. Конвенция муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.

“Оммавий мансабдор шахс” – қуйидагиларни ҳисобланади:

1) шахсинг мансаб даражасидан қатъи назар, доимий ёки муваққат асосда, иш ҳақи учун ёки иш ҳақини олмасдан иштирокчи давлатнинг қонунчилик, ижроия, маъмурий ёки суд органида бирон лавозимни эгаллаб турган ҳар қандай тайинладиган ёки сайладиган шахс;

2) шунингдек, оммавий муассаса ёки оммавий корхона учун бирон оммавий вазифани бажараётган ёки иштирокчи давлатнинг ички қонунчилигида белгиланган тартибда ва ушбу иштирокчи давлатнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг тегишли соҳасида қўлланиладиган тартибда бирон оммавий хизматни тақдим этаётган ҳар қандай бошқа шахс;

3) иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигида “оммавий мансабдор шахс” сифатида белгиланадиган ҳар қандай бошқа шахс.

“Хорижий оммавий мансабдор шахс” – хорижий давлатнинг қонунчилик, ижроия, маъмурий ёки суд органида бирон лавозимни эгаллаб турган ҳар қандай тайинладиган ёки сайладиган шахс ва хорижий давлат учун, шу жумладан оммавий муассаса ёки оммавий корхона учун бирон оммавий вазифани бажарадиган шахс кўзда тутилади.

“Назорат остида етказиб бериш” – бирон жиноятни тергов қилиш ёки унда иштирок этган шахсларни аниқлаш мақсадида ваколатли органларнинг рухсати билан ва назорати остида ноқонуний ёки шубҳа уйғотадиган юқлар туркумларини бир ёки бир неча давлатлар ҳудудларидан олиб чиқиш, ушбу ҳудудларга олиб ўтиш ёки олиб киришга йўл қўйилладиган услуб назарда тутилади.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг энг муҳим ютуғи БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (UNCAC) бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ECOSOS) ва ИХРТ, Европа Кенгаши ва бошқа минтақавий органларнинг аввалги ҳаракатларига асосланади. Ушбу Конвенция Бош Ассамблеянинг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4 резолюцияси билан қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан **“БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни** 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда **8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб**, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-

бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) яқуний қоидалар акс этган.

(UNCAC) коррупция, порахўрлик ва уларнинг бошқарув тизимига ва ҳукумат тузилмаларига зарарли таъсирга қарши ягона глобал ва қонуний мажбурий бўлган жавобдир ва ушбу муаммони ҳал этишга комплекс ёндошиш режасини акс эттиради. (UNCAC) қабул қилинишидан олдин саъй-ҳаракатлар фақат порахўрлик ва коррупцияни криминаллаштиришга қаратилган, шу билан бирга (UNCAC) коррупцияга комплекс ёндошади ва бешта асосий чора-тадбирларга эътибор қаратади:

1. Коррупциянинг олдини олиш чоралари (II боб);
2. Жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш (III боб);
3. Халқаро ҳамкорлик (IV боб);
4. Активларни тиклаш бўйича чоралар (V боб);
5. Амалга ошириш механизмлари (VII боб).

Office сиёсатчилар ва амалиётчилар учун бир қатор техник воситалар ва қўлланмаларни ишлаб чиқди ва бошқа бир қатор коррупцияга қарши наشرларни ишлаб чиқди, шу жумладан:

- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини амалга ошириш бўйича қонуний қўлланма;
- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини амалга ошириш бўйича техник кўрсатмалар;
- Прокурор ва терговчилар учун коррупцияга қарши кураш бўйича амалий чоралар бўйича БМТ қўлланмаси;
- ўзаро ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилиш учун ариза;
- Судьяларнинг мустақиллигини ошириш ва суд тизимининг имкониятларини ошириш бўйича қўлланма;
- «Коррупцияга қарши курашда жамоат ёрдамини кучайтириш: коррупцияга қарши идоралар нима учун ва қандай қилиб биргаликда ишлашлари керак» номли амалий қўлланма;
- Давлат харидлари ва давлат молиясини бошқариш бўйича коррупцияга қарши қўлланма;
- Жаҳон банки/ UNODC қўшма лойиҳасининг “STAR” ташаббуси доирасида ‘ришилган ютуқлар тўғрисидаги ҳисоботлар.

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга бир нечта билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилган.

Конвенциянинг 15-моддаси “Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”; 16-моддаси “Хорижий оммавий мансабдор шахсларни ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини

пора эвазига оғдириш”; 17-моддаси “Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши”; 18-моддаси “Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш”; 19-моддаси “Хизмат мавқеининг суиистеъмол қилиниши”; 21-модда “Хусусий секторда пора эвазига оғдириш”; 22-моддаси “Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилиниши”; 23-моддаси 1-банди “Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш”; 24-моддаси “Яшириш”; 25-моддаси “Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш”; 27-моддаси “Иштирок ва суиқасд” деб номланган.

Конвенциянинг мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш шакллари жуда ранг-баранг бўлгани боис, турли мезонларга кўра коррупциянинг ҳар хил турлари фарқланади.

Коррупцияни бир нечта асосий турларга ажратиш мумкин:

1) субъектларнинг мақомига кўра:

- а) ҳокимият органларидаги коррупция;
- б) хусусий сектордаги коррупция;
- в) сиёсатдаги коррупция ёки сиёсий коррупция;

2) даражасига кўра:

- а) қуйи даражадаги коррупция;
- б) юқори даражадаги коррупция;
- в) вертикал коррупция;

3) ижтимоий хавфлилик даражасига кўра:

- а) коррупция-қилмиш;
- б) коррупция-жиноят.

Конвенцияга мувофиқ коррупциянинг учта асосий шаклини ажратиш мумкин:

1) сиёсий. Мансабдор шахс юзага келган қариндош-уруғчилик муносабатлари туфайли қонунга зид ҳаркат қилади;

2) жиноят фаолияти билан боғлиқ бўлиб, мансабдор шахсларни сотиб олишга асосланган. Улар эса мукофот пули олиш эвазига ғаёриқонуний хизматлар кўрсатади;

3) тарафлардан бири ўзига энг қулай тартиб вужудга келтириш учун жиноятга мансабдор шахсларнинг тегишли тоифаларини изчиллик билан жалб этишни назарда тутди. Коррупциянинг бу шакли уюшган жиноятчилик билан мустаҳкам боғланган бўлиб, мансабдор шахсларга нисбатан сотиб олиш, провакация қилиш ва таҳдид солишни англатади.

Коррупциянинг пора олиш ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби одатдаги шаклларидан ташқари, коррупция амалда намоён бўлишининг қуйидаги шаклларини фарқлаш мумкин:

мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши;

давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш;

шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши;

шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ш.к.) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш;

тор гуруҳий манфаатларда норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш;

айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш.

Ўзбекистон томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар дунёнинг барча давлатларида қизиқиш ўйғатмоқда. Ўзбекистон 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияга, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режасига қўшилди.

Мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистонда коррупцияга қарши олиб борилаётган ислохотларга ижобий баҳо берилмоқда, 2019 йилгача Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар мониторинг гуруҳлари томонидан 4 марта ўрганилган. Хар босқичнинг яқунлари бўйича ИХРТ ҳисоботлари тақдимотлари ўтказилади.

Назорат саволлари:

1. Коррупциянинг миқёси ва қамровини белгиловчи омиллари нималарда намоён бўлади?
2. Коррупция юзага келиш асосига кўра неча турга бўлинади?
3. Коррупция тушунчасини ёритиб беришда қандай зарурий элементларга урғу бериш лозим бўлади?

4. Коррупцияни юзага келтирувчи коррупциявий омилларнинг иқтисодий ва иқтисодий асослари деганда нималар тушунилади?
5. Коррупциявий ҳолатларни юзага келтирувчи манфаатлар тўқнашуви деганда нима тушунилади?
6. Қайси даврга келиб коррупция дунё миқёсида янада глобаллашув босқичига ўтди?
7. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар деганда нима тушунилади?
8. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи сабабларни умумий маънода қандай гуруҳларга ажратиш мумкиндир?

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот. Замонавий жиноят ҳуқуқи ривожланишининг умумий қоидалари. Жиноят қонунчилигининг асослари

1-топширик

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича суди томонидан фуқаро А. турмуш ўртоғи Б.ни қасддан ўлдирганликда айбдор деб топилиб, Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Фуқаро А. жазони ижро этиб чиққанидан сўнг, кунларнинг бирида ишдан қайтаётиб собиқ турмуш ўртоғи Б.ни тирик эканлигига ишонмади ва уни кузата бошлади. А.нинг кузатувлари натижасида турмуш ўртоғи Б. тирик эканлигига ишонч ҳосил қилди ва унинг учун 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиб учун уни улдирди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилиб, дастлабки тергов олиб борилди ва суд жараёнида А.нинг ҳимоячиси судяга ҳимояси остидаги фуқаро А. муқаддам турмуш ўртоғи Б.ни ўлдирганликда айбланиб, жавобгарликка тортилганлиги Жиноят кодексининг 8-моддасида (Одиллик принципи) ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки мартаба жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилганлигини айтиб, суддан А.га нисбатан кўзғатилган жиноят ишини тугатишни сўради.

1. А. нинг қилмишини ЖК нинг 8 моддаси (Одиллик принципи) да белгиланган қоидалар асосида таҳлил қилинг?

2. Ушбу ҳолатда ҳимоячининг талаблари тўғрими?

2-топширик

Фуқаро К. 2019 йил 22 ноябрь куни фуқаро С.га нисбатан ЖК 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган. К.га нисбатан кўзғатилган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиши давомида С. билан ярашиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз

қилиб, амалда пушаймон бўлиб, етказилган зарарни тўлик қоплаганлиги сабабли терговчи А. фуқаро К.га нисбатан кўзғатилган жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатиш тўғрисида қарор чиқаради.

1. К.нинг қилмишини ЖК нинг 10 моддаси (Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи)да белгиланган қоидалар асосида таҳлил қилинг?

2. Мазкур ҳолатда терговчи А. Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига риоя қилганми?

2-амалий машғулот. Судга қадар босқичида суд назоратини амалга ошириш

1-топширик

1. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш учун шахс ...

2. Судьянинг паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажрими устидан қанча вақт ичида шикоят қилиш мумкин?

2-топширик

1. Қамоққа олинганлар вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланиши мумкинми?

2. Уй қамоғида бўлган шахснинг уй-жойидан чиқиши бўйича ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этиши устидан текширув тартиби?

3-амалий машғулот. Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

1-топширик

1. Жиноят процессида шахс ҳуқуқлари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан таъминланади ёки кафолатланади?

2. Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилган нормалар қандай кўринишда Жиноят-процессуал кодексида акс эттирилган?

3. Жиноят процессида “Хабеас корпус” институти қандай кафолатларди таъминлайди?

2-топширик

1. Жиноят ишлари юритувининг қайси босқичда ҳимоячи иштирок этиши мумкин?

2. Жиноят ишлари юритувида ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни кўрсатинг.

3. Жиноят ишида шахсни жабрланувчи сифатида жалб этиш асослари қандай?

4-амалий машғулот. Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текшириш масалалари

1-топширик

1. Суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин.

Юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси, муддатларини ва уни узайтириш тартибини баён қилинг.

2. Апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибида шикоят берилиши мумкин.

Назорат тартибида берилган шикоятларни кўриб чиқмасдан қайтариш асослари баён қилинг.

3. Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра суднинг қонуний кучга кирган ҳукми устидан кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин.

Ҳукм устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш тартиби ва муддатини таҳлил қилган ҳолда баён қилинг.

2-топширик

1. Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш тури сифатида кассация инстанциясида иш юритиш ҳам белгиланган.

Кассация инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартибини баён қилинг.

2. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 511-моддасида кўрсатилган шахслар ўз ваколатлари доирасида текшириш ва назорат тартибида протест билдириш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ҳар қандай жиноят ишини суддан талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Жиноят ишини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олиш тартибини баён қилинг.

**5-амалий машғулот. Коррупцияга қарши курашиш бўйича
замонавий талаб ва стандартлар**

1-топшириқ

1. “Оммавий мансабдор шахс”лар турини сананг.

2. “Хорижий оммавий мансабдор шахс” деб нимага айтилади?

2-топширик

1. Коррупцияни нечта асосий турларга ажратиш мумкин?

2. БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясига мувофиқ коррупцияни нечта асосий шаклга ажратиш мумкин?

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Амалий йўналтирилган, кўникма ва малакаларни мустаҳкамловчи услублар ўз хусусиятларига кўра инновацион ҳисобланади. Уларга: ташкилий-фаолиятли ўйинлар (ТФЎ), ишчан ва ролли ўйинлар, персоналларнинг мулоқоти, ижодий ишлар, психотехника, ролли тренинг, “Case-study” ва бошқалар киради. “Case-study” – турли вазиятларнинг тавсифидан, яъни кейслардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир

Кейс — бирор ташкилотдаги қандайдир аниқ реал вазиятнинг ёзма тавсифидир. Ундан фойдаланиш мобайнида ўқувчилардан вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг моҳиятини кўриб чиқиш, мумкин бўлган вариантларни таклиф этиш ва улардан энг мақбулини танлаш сўралади.

Ихтиёрий *кейс* ўқитувчига, уни таълим жараёнининг ихтиёрий босқичларида, жумладан, ўқитиш ва унинг натижаларини назорат қилиш мобайнида фойдаланиш *имкониятини* беради.

1-масала

Фуқаро Л. 2020 йил 10 март куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Қорасу-1 даҳасида ёлғил кетаётган 20 ёшли Н.ни орқа томонидан мажбурлаб кийимларини ечади ва унга пичоқ тираб ўлдириш билан кўрқитиб у билан жинсий алоқа қилади. М.Улуғбек туман терговчиси К. томонидан Л.га нисбатан 118-модда 2-қисм “г” банди билан жиноят иши кўзғатилади ва дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, иш судга чиқарилади. Судда ёшлар иттифоқи иштирок этади ва Л.га қафолат хати берган ҳолда суддан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо беришини сўради.

1. Л.нинг қилмишини судда кўриш босқисида ёшлар иттифоқининг иштирокини ЖК нинг 6 моддаси (Демократизм принципи)да белгиланган қоидалар асосида таҳлил қилинг?

2. Мазкур ҳолатда Жиноят кодексининг 6-моддасида назарда тутилган демократизм принципига риоя қилганми?

2-масала

Фуқаро Н. 2007 йил 25 март куни ўзининг турмуш ўртоғи Л.ни рашк туфайли қасддан ўлдиради. Суд уни 12 йил озодликдан маҳрум қилади. Н. жазони ўтаб чиққач, 2019 йил 30 августда марҳум Л.нинг акаси билан жанжаллашиб қолади ва уни ошхона пичоғи билан қасддан ўлдиради. У Ўз.Р ЖКнинг 97-моддаси 2-қисм “р” банди билан айбли деб топади ва 17 йил муддатга озодликдан маҳрум қилади.

1. Н.га нисбатан 17 йил муддатга суд томонидан озодликдан маҳрум қилинишини ЖК нинг 7 моддаси (Инсонпарварлик принципи)да белгиланган қоидалар асосида таҳлил қилинг?

2. Мазкур ҳолатда Жиноят кодексининг 7-моддасида назарда тутилган инсонпарварлик принципига риоя қилганми?

3-масала

2020 йил 12 апрелда фуқаро Р. бирга мактабда ўқиган синфдоши К. билан ўтириб спиртли ичимликлар ичади. Спиртли ичимликлар ичиши натижасида Р.нинг синфдоши К. уни ҳақорат қилади ва бир мушт уради. Бундайн ғазабланган Р. уйдан ошхона пичоғини олиб чиқиб К.нинг бўйин қисми ва қорин бўшлиғига бир неча марта ошхона пичоғи билан зарбалар беради. Натижада К. кўп қон йўқотади ва воқеа жойини ўзида вафот этади. Терговчи Л. томонидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижалари ва

далиллар асосида К.нинг қилмишида қасддан одам ўлдириш жиноят таркибининг барча белгилари аниқланади.

1. Р.нинг қилмишини ЖК нинг 10 моддаси (Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи)да белгиланган қоидалар асосида таҳлил қилинг?

2. Мазкур ҳолатда Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига риоя қилганми?

4-масала

2019 йилнинг 16 августида Тошкент шаҳри аэропортида Т. тўққиз юз саксон гр. опиум билан ушланди. Тергов вақтида маълум бўлишича, Т. бу гиёҳванд моддани Бишкек шаҳрида яшовчи акаси Ч.нинг топшириғи билан Қирғизистондан Озарбайжонга олиб кетаётган экан. Терговчи Т.нинг ҳаракатини ЖКнинг 273-моддаси 1-қисми билан, Ч.нинг ҳаракатини ЖКнинг 28 ва 273-моддалари билан квалификация қилди. Т. ва Ч.ни Ўзбекистон Республикаси ЖК билан жиноий жавобгарликка тортилиши қонунга асосланганми? Бу масала жиноятларни квалификация қилишнинг қайси турига киради?

5-масала

Қирғизистон фуқаролари У. машиналарни ўғирлашда, Д. эса бу ўғирланган автомашиналарни қисмларга ажратиб, сотишга келишиб олдилар. У. Ўзбекистон ҳудудида тўртта енгил автомашина ўғирлади, Д. уларни қисмларга ажратиб, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳудудида сотди. Терговчи У.нинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

169-моддаси “а” банди билан, Д.нинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддаси ва 169-модданинг “а” банди билан квалификация қилди.

Д.нинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан жиноий жавобгарликка тортилиши қонунга асосланганми? Бу масала жиноятларни квалификация қилишнинг қайси босқичига мос келади?

6-масала

2007 йилнинг 15 март куни фуқаро С.рашк оқибатида ҳомиладор бўлган турмуш ўртоғи Г.ни болта билан танасининг турл жойларига зарар етказиб, ҳаётдан маҳрум қилган. Жиноятни содир этиш вақтида қўшниси П. Кўриб қолганлигини англаб, жиноятни яшириш мақсадида уни ҳаётдан маҳрум қилган. Содир этилган қилмиш юзасидан С.га нисбатан ЖКнинг 97 моддаси 2 қисми “а” ва “о” бандлари билан жиноят иши қўзғатилган эди. 2007 йилнинг 15 декабрь куни қабул қилинган ва 2015 йилнинг 1 январидан кучга кирган қонун асосида “ўлим” жазоси бекор қилиниб, “умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тизимиغا киритилгана эди. Суд жазо тайинлаш вақтида фуқаро С.нинг содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ўта шафқатсизлик содир этилганлигини эътиборга олиниб, 2008 йилнинг 10 январь кунига ўлим жазосини тайинланади.

Ушбу ҳолатда суднинг ҳукми тўғрими? Суд ушбу ҳолатни тўғри квалификация қилганми?

7-масала

Ўзбекистон Республикаси фуқароси А. турмуш ўртоғи М. билан Покистон Республикасига вақтинча ишлаш учун борган эди. Покистон Республикаси да муқим 3 йил яшаб, Покистон Республикасида 2 ёки ундан

ортиқ аёл билан умумий рўзғор асосида яшашга рухсат берилганлиги сабабли, турмуш ўртоғидан яширинча иккита аёл билан никоҳдан ўтиб, умумий рўзғор асосида никоҳдан ўтиб яшаб келган. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари А. ва М.лар Ўзбекистон Республикасига қайтгач, турмуш ўртоғи М. Бу ҳолат бўйича ҳудудуий ИИБга ариза билан шикоят қилди.

Ушбу ҳолат бўйича фуқаро А. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортиладими? Ушбу масалани квалификация қилинг.

8-масала

Тунги пайтда И. темир йўл қисмининг моддий бойликлар сақланадиган бекати олдидан ўтиб кетаётганда, у ерда унга нотаниш бўлган шахсининг темир йўл контейнерларидан моддий қимматликка эга бўлган мулкларни олаётганлиги кўради ва И. контейнер олдига келиб нотаниш кишидан рухсат олиб, хрусталли идиш-товоклар солинган қутини олиб у ердан кетади.

Мазкур ҳолатда иштирокчилик мавжудми? Квалификация масаласини ҳал этинг.

9-масала

2020 йил 27 июнь куни Тошкент шаҳрининг Чилонзор туман ИИО ФМБга тушган мурожаатга кўра, фуқаро Дилшодов фуқаро Пардаевага Туркманистон давлатидан 50 тонналик “Танадо” русумли кран махсус техника воситасини олиб келиб беришга келишиб, 90 000 АҚШ долларини олиб берган ваъдаларини бажармасдан пулларни ўз эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборганликлари акс этган.

Терговга қадар текширув давомида терговчи томонидан фуқаро Дилшодовга нисбатан мажбурий келтириш чораси қўлланилган ва у ўз тушунтириш хатида пулларни қайтармаслигини очик-ойдин билдирган. Терговчи Дилшодовни ушлаб туриш давомида зарарни ундириш мақсадида

судга прокурор орқали камокқа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома киритади.

Тергов жараёнида ашёвий далилларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундиришни суд маҳкум зиммасига юклади. Шунингдек, суд зарар қийматини жиноят содир бўлган вақтдаги курс бўйича ҳисоблади. Дилшодов суд томонидан 5 йилга озодликдан махрум этилган бўлиб, жазони ўташ даврининг иккинчи йилида унда оғир касаллик аниқланди ва касаллиги туфайли жазонинг ўтилмаган қисмини ўташдан озод этилди. Орадан 2 йил ўтиб Дилшодов соғайди.

Мазкур ҳолатни Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

10-масала

Фуқаро Шокиров томонидан қўшниси Валиевнинг 12 ёшли ёғли Юнусовни уриб унга оғир тан жароҳати етказиш билан боғлиқ терговга қадар текширув даврида Шокировнинг турмуш ўртоғи Шокирова эрининг баҳор ойларида руҳий ҳолати бузилишини, шу даврда у ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай ва бошқара олмаслигини баён қилган. Терговчи томонидан Шокировнинг Юнусовни урган вақтдаги руҳий ҳолатини аниқлаш мақсадида терговга қадар текширув вақтида суд психиатрия экспертизаси тайинлаш тўғрисида қарор, шу билан бирга Шокировни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Шокированинг эрига ҳимоячи хизмати таъминлаб берилмаганлиги тўғрисидаги эътирозига нисбатан терговчи ҳали жиноят иши қўзғатилмаганлигини, бундан ташқари экспертиза хулосаси ҳали тақдим қилинмаганлигини, экспертиза хулосаси тақдим қилинганидан сўнг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритиладиган

бўлса ҳимоячи иштироки мажбурий таъминлаб берилиши лозимлигини билдирди.

Масалани жиноят-процессуал қонунчилик, шу жумладан Олий суди Пленумининг тегишли қарорлари асосида таҳлил қилинг.

11-масала

2019 йилнинг 17 январь куни Тошкент молия институтида маъруза машғулоти давомида талабалар А.Арипов ва Б.Элчиевлар ўртасида олишувга сабаб бўлган жанжал келиб чиқди. Натижада А.Арипов Б.Элчиевга тан жароҳати етказилиб, суд-тиббий экспертизасининг 2019 йил 18 январдаги 23-сонли хулосасига асосан тан жароҳати ўртача оғирликда деб баҳоланган.

Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, унинг тергови давомида терговчи К.Таджиев А.Ариповнинг жанжални Б.Элчиев бошлаганлигини тасдиқловчи икки нафар гувоҳни сўроқ қилиш тўғрисидаги илтимосномасини рад қилди ҳамда айбланувчи А.Арипов жанжални бошлаганлигини тасдиқловчи 4 нафар гувоҳнинг кўрсатувлари жиноят иши бўйича етарли эканлигини билдирди.

Жиноят ишининг судда кўрилиши давомида мазкур 4 нафар гувоҳнинг аслида жабрланувчи Б.Элчиевнинг яқин дўстлари ва ўртоқлари эканликлари аниқланди.

Масалага жиноят-процессуал қонунчилиги асосида ҳуқуқий баҳо беринг.

12-масала

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судида А.Пулатовга нисбатан Ўз.Р ЖК 166-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айблаш юзасидан 2577-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Ишни кўриб чиқиш жараёнида А.Пулатов судда тергов

жараёнида жалб қилинган адвокат унинг манфаатларига қарши ишлаганлигини, аслида терговчидан бошқа адвокат жалб қилишни сўраганини, лекин терговчи агар бошқа адвокат жалб қилинса унга харажатларни А.Пулатовнинг ўзи тўлашига тўғри келишини айтганлиги учун бошқа адвокат ола олмаганлигини баён қилди. Суд ишни кўриб чиқишда бу ҳолатга эътибор қарамасдан жиноят иши юзасидан 2019 йил 7 январда судья Х.Юлдашева томонидан айблов ҳукми чиқарилди.

2019 йил 10 январда судланувчи А.Пулатов ўзига бошқа ҳимоячи жалб қилди. Унинг ҳимоячиси жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция шикояти билан мурожаат қилиб, ўз ҳимояси остидаги шахс устида ўтказилган суд муҳокамаси халқ маслаҳатчилари иштирокисиз ўтказилганлиги сабабли биринчи инстанция суди ҳукмини бекор қилишни сўради.

Ҳолатни жиноят-процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилинг.

13-масала

Суриштирув давомида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланаётган Аллаев жабрланувчи Соттиевга етказган зарарини бартараф этганини, айбига ихтиёрий иқроп бўлганликларини айтиб суриштирувчи Файзиевга жиноят ишини ярашув бўйича тугатишни сўраб мурожаат қилди. Суриштирувчи айбланувчининг мурожаатини қаноатлантириб жиноят ишини тарафларнинг ярашуви муносабати билан судга юбориш тўғрисида қарор чиқарди.

Жиноят иши судда кўриб чиқилиб, суд томонидан ярашувни тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқарилди. Суд томонидан иш кўриб чиқилганидан 11 кун ўтгач фуқаро Умаров судга шикоят билан мурожаат қилиб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилинган автотомашина аслида унга тегишли эканлигини, айбланган Аллаев унга етказилган зарарни бартараф қилмаганлигини, суриштирувчи томонидан ишга жалб қилинмаганлигини,

иш юритишни қайтадан бошлаб, унга етказилган зарарни ундириб беришда амалий ёрдам сўраган.

Суд томонидан мазкур шикоятга жавобан бу масала фуқаролик тартибида ҳал қилиниши ва фуқаролик судига мурожаат қилиши тушунтирилди.

Мазкур ҳолатни Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

14-масала

Иштихон тумани ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддасида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланаётган Рашидов ва Тимуровларнинг иши бўйича тергов давомида Смирнов, Каттаевлар жабрланувчилар сифатида, Бўриев эса, фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилиб, иш айблов хулосаси тузилиб, прокурор орқали Жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судига юборилади. Иш суд томонидан кўриб чиқилиб, суднинг 2018 йил 4 февралдаги ҳукмига кўра, Рашидов ва Тимуровлар айбдор деб топилади ҳамда уларга тегишли жазо тайинлаш билан бирга жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбурияти ҳам юклатилди.

15.02.2018 йилда фуқаро Диёров томонидан судга апелляция шикояти киритилиб, унда Рашидов ва Тимуровлар ўз безориликлари билан унга тегишли бўлган Жигули автомашинасига ҳам зарар етказганликларини, лекин у касал бўлиб Тошкент шаҳрида даволанишга мажбур бўлганлиги сабабли тергов ва судда қатнаша олмаганлигини, терговчи унга етказилган зарарни эътиборга олмаганлигини ва суд томонидан ҳам бу ҳолатга эътибор қаратилмаганлигини баён қилиб, ишни қайта кўриб чиқишни ва Рашидов ҳамда Тимуровдан автомашинасига етказилган моддий зарарни ҳамда маъваний зарарни ундириб беришини талаб қилган.

Суд томонидан Диёровнинг мурожаати биринчидан, у ишда тараф бўлмаганлиги, фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилмаганлиги,

иккинчидан эса, апелляция шикоятни бериш муддати ўтиб кетганлиги асос қилиниб, мурожаатни қабул қилиш рад этилди.

Мазкур масалани жиноят-процессуал қонунчилиги, шу жумладан Олий суд Пленумининг тегишли қарорларига асосланиб таҳлил қилинг.

15-масала

Тергов гуруҳи раҳбари Андижон шаҳар прокуратураси терговчиси Очилов ва гуруҳ аъзолари Андижон шаҳар ИИБ терговчилари Донаев ва Маматовлар томонидан тергов қилинаётган ЖКнинг 167, 184, 189 ва 228-моддалари бўйича қўзғатилган жиноят иши бўйича айбланувчи Сафоевнинг терговчилар ундан пора талаб қилаётганлиги бўйича аризаси асосида ўтказилган тадбир давомида ИИБ терговчиси Маматов пора олаётган вақтида қўлга олинади. ИИБ терговчиси Маматовга нисбатан Андижон шаҳар прокурори томонидан жиноят иши қўзғатилади ва ишга айбланувчи тариқасида жалб қилиниб сўроқ қилинади. Сўроқ давомида у ИИБнинг бошқа терговчиси Донаев ҳамда шаҳар прокуратураси терговчиси Очилов ҳам шерик эканлиги тўғрисида кўрсатув беради ва шу асосда Донаев ҳам ишга айбланувчи тариқасида жалб қилинади. Ҳимоячининг Очиловни ҳам айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш ҳақидаги талабига нисбатан шаҳар прокурори прокуратура терговчисига нисбатан жиноят иши қўзғатиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланиши ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатиш масаласини вилоят прокурори ҳал қилишини маълум қилди.

Масалани жиноят-процессуал қонунчилик ва тегишли қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари асосида таҳлил қилинг.

16-масала

Чилонзор тумани 17-мавзеда яшовчи фуқаро Муслимов 2019 йилнинг 5 июль куни Чилонзор туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб,

уйини кулфлашни унутганлигини, натижада бундан хабардор бўлган кўшниси Кенжаев уйига ўғринча кириб умумий баҳоси 45 000 000 (қирк беш миллион) сўм бўлган қиммат баҳо буюмларни олиб чиқиб кетганлиги баён этилган.

Чилонзор туман прокурори мазкур иш бўйича жиноят иши қўзғатиш сабаблари қонунийлиги ва асослар етарли эканлигини текшириб чиқиш учун Чилонзор туман ИИБга тақдим этди.

Туман ИИБ ТБ бошлиғи ўн сутка давомида терговга қадар текширув ўтказиб фуқаро Муслимовнинг аризасига биноан жиноят ишини қўзғатди. Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда фуқаро Кенжаевни ишда айбланувчи тариқасида жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда жиноят иши материалларини суриштирув ўтказиш учун ИИБ суриштирувчиси Тилавовга тақдим этди.

Суриштирувчи айбланувчи Кенжаевнинг уйида тинтув тергов ҳаракатини ўтказиб, унда холис сифатида ИИБга амалиёт ўташ учун келган Тошкент давлат юридик университетининг 3-курс талабаларини жалб этди. Суриштирув якунига кўра, суриштирувчи томонидан айблов далолатномаси тузилиб, туман прокурорига тақдим этди. Туман прокурори эса мазкур иш бўйича Жиноят процессуал кодекси нормалари нотўғри қўлланганини важ қилиб жиноят ишини қайтарди.

Мазкур ҳолатни Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги асосида таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

17-масала

Жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан судланувчи Умаровни ЖКнинг 180-моддаси билан айблаш ҳақидаги жиноят иши кўриб чиқиладиганда унинг яна бир қатор жумладан, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш каби жиноятларни содир этиш ҳолатлари аниқланди. Шундан сўнг суд янги айблов бўйича жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани

ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилди. Прокурор томонидан тегишли материаллар тергов ҳаракатларини ташкиллаштириш учун терговчига топширилди. Текшириш ҳаракатлари давомида терговчи мазкур ҳолатлар дастлабки айблов билан боғлиқлигини ва уни алоҳида кўриш имконияти йўқлигини баён қилиб, прокурорга айбловни тўлдириш тўғрисида судга илтимоснома киритиш тўғрисида фикр билдирди. Суд томонидан давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурорнинг илтимосномаси рад қилинди ва иш кўриш умумий тартибда давом эттирилиб, ҳукм чиқарилди. Суд ҳукмига ва илтимосномани рад қилиш тўғрисидаги ажримига нисбатан туман прокурори томонидан апелляция протести келтирилди.

Масалани жиноят-процессуал қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

18-масала

Самарқанд вилояти Жомбой туманида яшовчи фуқаро Д.Темиров Жиноят ишлари бўйича Оқдарё тумани суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазога ҳукм қилинди. Бошқа шахс содир этган жиноят ҳақидаги иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб бориш зарур бўлганлиги сабаб Д.Темиров тергов ҳибсхонасида салкам икки ой ушлаб турилди.

Апелляция инстанциясининг ажримидан норози бўлган маҳкум Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига шикоят билан мурожаат қилди. Мазкур шикоят ажрим устидан назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилганлиги сабабли ЖПК 5102-модда тартибида кўриб чиқилмасдан қайтарилди.

Жазони ўтаб чиққан Д.Темиров кейинчалик судланганликни олиб ташлаш ҳақидаги масала билан ЖИБ Оқдарё тумани судига илтимоснома билан мурожаат қилди ва ундан судланганлик тегишли тартибда олиб ташланди.

Мазкур вазиятни жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида таҳлил қилинг.

19-масала

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2019 йил 3 ноябрдаги ҳукми билан Некрасов ЖКнинг 168-моддаси билан айбдор деб топилади. Аммо Некрасов бунга эътироз билдириб, 2019 йилнинг 18 ноябрь куни апелляция шикоятни билан мурожаат қилганда, туман суди апелляция шикоятни бериш муддати ўтиб кетганлигини, бундан ташқари Некрасовнинг шикоятни ЖПК талабларига мос келмаслигини, шунингдек бу иш бўйича жабрланувчи Черкасов томонидан апелляция шикоятни берилганлигини баён қилиб уни қабул қилишни рад этади.

Юқори турувчи суд томонидан жабрланувчининг шикоятни асосида иш кўриш жараёнида маҳкум Некрасов муддат ўтган бўлсада унинг шикоятини ҳам қабул қилишларини, ақс холда судда қатнашмаслигини ва кўрсатма бермаслигини баён қилди.

Масалани жиноят-процессуал қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

20-масала

Суд ҳукми билан Турғунов, Фаридов, Аскарлов ва Санаевлар ЖКнинг 167-моддаси, 209-моддаси ва бошқа моддалари билан айбдор деб топилиб, улардан Турғунов, Аскарлов ва Санаевлар томонидан суд ҳукмига нисбатан у кучга кирмасдан апелляция шикоятни берилди. Юқори суд томонидан ҳукмнинг уларга оид бўлган қисмини кўриб чиқиб, ҳукмни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида ажрим қабул қилинди. Ҳукм кучга киргач Фаридов ва Санаевлар томонидан ҳукмга нисбатан кассация шикоятни беришга қарор қилдилар. Лекин юқори суд апелляцияда кўриб чиқилган иш қайта кассацияда кўрилмаслигини баён қилиб, шикоятни қабул қилишни рад қилди.

Масалани жиноят-процессуал қонунчилик асосида таҳлил қилинг.

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Жиноят ҳуқуқи	Ўзбекистон Республикаси Олий Давлат ҳокимият органи томонидан ўрнатилган, қилмишнинг жиноийлигини ва жазога сазоворлигини белгиловчи жиноий жавобгарлик ва унинг асосларини, жазонинг мақсад ва вазифаларини, жазо тизимини, жазо тайинлашнинг умумий асосларини, жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашни, тартибга солувчи юридик нормалар мажмуидан иборат бўлган ҳуқуқ тармоғидир	Criminal liability and its bases, goals and objectives of punishment, system of punishment, general principles of sentencing, exemption from responsibility and punishment, as well as socially dangerous is a branch of law consisting of a set of legal norms regulating the application of compulsory medical measures against persons who have committed an act
Жиноят ҳуқуқи методлари	жиноят-ҳуқуқий тушунча ва ходисаларни ўрганишда қўлланиладиган усул ва воситалар йиғиндисини, тизимини ифодалайди	represents a set of methods and tools used in the study of criminal law concepts and phenomena
Жиноят ҳуқуқи вазифалари	шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш, жиноятларнинг олдини олиш, ва фуқароларни Ўзбекистон	protection of the individual, his rights and freedoms, interests of society and the state, property, natural environment, peace, human security from criminal encroachment, crime prevention, and education of citizens in the spirit of observance of the Constitution and laws of the

	Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат	Republic of Uzbekistan
Жиноят ҳуқуқининг предмети	давлатнинг махсус ваколатли органлари ва жиноят содир қилган шахс ўртасида вужудга келадиган муайян ижтимоий муносабатлар ташкил этади	constitute certain social relations that arise between the specially authorized bodies of the state and the person who committed the crime
Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Жиноят ҳуқуқи	ҳуқуқ тизимининг бир тармоғидир	is a branch of the legal system
Айбнинг мавжудлиги	шахснинг содир этган жиноятига қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги субъектив муносабати тушунилади	a subjective attitude of a person to a crime committed in the form of revenge or negligence
Жазога сазovorлиги	жиноят қонуни у ёки бу қилмишни жиноят деб тан олар экан, уни содир этганлик учун тегишли жазо чорасини ўрнатади	as long as the criminal law recognizes this or that act as a crime, it shall impose an appropriate penalty for its commission
Оғир жиноятлар	қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар қиради	intentional offenses, which are punishable by imprisonment for a term exceeding five years, but not more than ten years, as a severe punishment by law
Ўта оғир жиноятлар	қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради	Intentional offenses include offenses punishable by imprisonment for a term of more than ten years or life imprisonment

Habeas corpus	(маъноси “танани судга келтириш”) жиноий таъкибга учраган фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи	(meaning "bringing the body to court") The right of a prosecuted citizen to a fair trial
Судга қадар босқич	жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади	criminal statements, notices and other information from the moment of their receipt and include pre-investigation investigation and criminal investigation
Терговга қадар текширув	жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш даври	a period of verification of criminal applications, messages and other information
Дастлабки тергов	судгача бўлган даврда жиноятларни тергов қилиш шакли	a form of criminal investigation in the pre-trial period
Суд тергови	янги процессуал шароитда далилларни мустақил ва ижодий текшириш босқичи	a phase of independent and creative examination of the evidence in the new procedural context
	гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл	prevention of evasion of the suspect, accused, defendant from inquiry, preliminary investigation and court; prevention of his further criminal activity; to prevent his attempts to obstruct the truth of the case; a measure taken to ensure the

Эҳтиёт чораси	қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган чора	execution of the sentence
Жиноят процессуал кафолатлар	бу жиноят ишлари юритуви мақсадларига эришиш ва процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши учун жиноят-процессуал қонунчилиги билан ўрнатилган усул ва воситалар	these are the methods and means established by the criminal procedure legislation to achieve the objectives of criminal proceedings and to ensure the rights and interests of the participants in the proceedings
Жабрланувчи	ижтимоий хавфли қилмиш орқали шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахс	a person who has caused moral, physical or property damage to a person through a socially dangerous act
Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи	юзага келган гумон, қўйилган айбни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун билан берилган процессуал имкониятлар (восита ва усуллар) йиғиндисидир	the suspicion that arises is the sum of the procedural possibilities (means and methods) given to him by law to deny the charge or to mitigate the liability and punishment
Айбсизлик презумпцияси	жиноят процессуал қонунчилигининг асосий принципларидан бири бўлиб, шахснинг айби суднинг қонуний кўчга кирган ҳукмисиз уни айбдор ҳисобланмаслигини кафолатлайди	is one of the basic principles of criminal procedural law, which guarantees that an individual's guilt will not make him or her guilty without a judgment that has entered into legal force
	суд ҳукми устидан шикоят аризаси беришнинг бир шакли. Апелляция Франция жиноят-	a form of filing an appeal against a court judgment. The appeal was included in the French Code

<p style="text-align: center;">Апелляция</p>	<p>процессуал кодексига (1808 й.), жаҳоннинг бошқа кўпчилик давлатлари жиноят-процессуал конунларига киритилган. ЎзРда 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган Жиноят-процессуал кодексида ушбу тартиб кўрсатилмаган, аммо Апелляция тартибида иш кўришнинг айрим аниқ масалаларига оид қисмлари янги ЖПКнинг 490-моддасида назарда тутилган қоидага кўра, Апелляция кассация инстанциясида иш кўрадиган судда қўлланилади. Суд ҳукми устидан Апелляция тартибида шикоят бериш йўл қўйилган давлатларнинг жиноят-процессуал қонунида Апелляция тушунчаси 2-босқич судида жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш учун янгидан кўриш мумкинлигини билдиради. Апелляция суди (2-босқич суди) ҳукмнинг қонунийлиги ва асослигини фақат шикоят (протест)да кўрсатилган ҳолатлар бўйича текширади. Апелляция суди ишдаги ёзма материалларга таяниб, ўз қарорини қабул қилади. Бу судда 1-инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар такроран сўроқ қилинмайди, далилларни бевосита ва оғзаки текшириш, суд ишларини юритишдаги тортишув, маҳкумни ҳимоя</p>	<p>of Criminal Procedure (1808) and in the criminal procedure laws of many other countries of the world. 1994 in Uzbekistan The Code of Criminal Procedure, adopted on 22 September 1995 and enacted on 1 April 1995, does not specify this procedure, but parts of certain specific procedural matters in the appellate procedure apply to the appellate court of cassation, as provided in Article 490 of the new CPC. In the criminal procedure law of the States where an appeal against a judgment is permitted, the notion of Appeal means that a criminal case may be reconsidered for a substantive decision in a Level 2 court. The Court of Appeals (Court of Appeals 2) shall review the legality and validity of the judgment only in the circumstances specified in the complaint (protest). The appellate court makes its decision based on the written materials in the case. Witnesses questioned in the court of first instance in this court shall not be re-interrogated, and cases such as direct and oral examination of evidence, disputes in court proceedings, provision of the convict with the right to defense, and long-term proceedings shall be limited</p>
---	---	---

	<p>хуқуқи билан таъминлаш ва ишни узоқ муддат давомида кўришдек ҳолатлар чегараланади</p>	
<p>Кассация</p>	<p>(лот. cassatio — бекор қилиш, бузиш) — қонуний кучга кирмаган суд ҳукми (ҳал қилув қарори) устидан шикоят қилиш шаклларида бири. Апелляция судидан фарқли равишда, Кассация инстанцияси шикоят ёки протест доираси билан чекланиб қолмайди, балки бунда иш унда мавжуд бўлган ва қўшимча тақдим қилинган материалларнинг тўла ҳажмида текшириб чиқилади. Кассация инстанцияси ҳукм (ҳал қилув қарори)ни ўзгаришсиз қолдириши, бекор қилиши ва ишни янгидан тергов қилишга ёки суд муҳокамасига жўнатиши ё бўлмаса ҳукми бекор қилиши ва суд иши олиб боришни тўхтатиши мумкин. ЎЗРда Кассация тартибида иш юритиш ва Кассация шикояти бериш (К. протеста келтириш) қонунқоидалари ЖПК 56-бобида ва ФПК 38-бобида белгилаб берилган</p>	<p>(lat. cassatio - annulment, violation) - one of the forms of appealing against a court decision (decision) that has not entered into force. Unlike the Court of Appeals, the Court of Cassation is not limited to the scope of the complaint or protest, but the case is examined in the full amount of materials available to it and additionally submitted. The court of cassation may uphold the judgment (decision), annul it and remand the case for re-investigation or trial, or overturn the judgment and suspend the proceedings. The rules of cassation proceedings and filing a cassation appeal (K. protest) are set out in Chapter 56 of the Criminal Procedure Code and Chapter 38 of the Criminal Procedure Code</p>
	<p>(лот. protestor — ошкора исботлайман) — прокурорнинг норозилик хужжати. Ўзбекистон Республикасида Протест қонунга зид бўлган хужжатни қабул қилган органга ёки мансабдор шахсга,</p>	<p>(Lat. protestor - I openly declare) - a document of protest of the prosecutor. In the Republic of Uzbekistan, the Protest is issued to the body or official who adopted the document contradicting the law, as well as</p>

<p style="text-align: center;">Протест</p>	<p>шунингдек, юқори органга ёхуд юқори мансабдор шахсга, суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан процессуал қонунда белгиланган тартибда берилади.</p> <p>Протест берилган вақтдан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор Протестни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида 3 кун ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади. Протест коллегиял орган томонидан кўриб чиқилмаган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.</p> <p>Протест шу ҳужжатни қабул қилган ёки юқури турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек, Протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан 1 ой ичида судга мурожаат этишга ҳақли. Ариза судда кўриб чиқилгунга қадар берилган ҳужжатнинг амал қилиши тўхта-тиб турилади.</p>	<p>to the higher body or higher official in the manner prescribed by procedural law on the court's verdict, decision, ruling and decision. The protest must be considered no later than 10 days from the date of filing. In exceptional cases where immediate remedial action is required, the prosecutor shall have the right to set a reduced time limit for consideration of the Protest. The results of the protest will be notified to the prosecutor in writing within 3 days. In cases where the protest is considered by a collegial body, the prosecutor shall be notified of the date of the meeting and he shall have the right to attend the meeting. If the protest is accepted by the document or rejected by a higher body (official), as well as if it is not considered within the period specified in the Protest, the prosecutor has the right to apply to the court within 1 month with a petition to declare the document illegal. The validity of the submitted document shall be suspended until the application is considered in court. An appeal, cassation, private or supervisory protest against a judgment, decision, ruling and decision of a court may be amended, supplemented or recalled by the prosecutor who filed the protest,</p>
---	---	---

	<p>Суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига нисбатан келтирилган апелляция, кассация, хусусий ва назорат тартибидаги Протест ишни судда кўриш бошлангунга қадар Протест берган прокурор томонидан, шунингдек, юқори турувчи прокурор томонидан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки чақириб олиниши мумкин</p>	<p>as well as by a higher prosecutor, before the trial begins</p>
<p>Суд ҳайъати</p>	<p>муайян ишни кўрувчи суд таркиби. Жиноят ишлари I инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва 2 нафар халқ маслаҳатчиси қиради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи босқичда 3 нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқди. Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент ш. судларида Суд ҳайъати ларида апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриш 3 нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатларида жиноят ишлари апелляция ва кассация тартибида 5 нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Жиноят ишини курихда ушбу суд таркибига тайинланган ёки сайланган</p>	<p>the composition of the court hearing a particular case. When criminal cases are heard by a court of first instance, the court consists of a judge and two people's advisers. The Supreme Court of the Republic of Uzbekistan considered the cases in the first instance, consisting of 3 judges. The Supreme Court of the Republic of Karakalpakstan, the regions and the city of Tashkent Courts of Appeals, Cassation and Supervision of Judicial Bodies shall be composed of 3 judges. Criminal cases shall be considered by the relevant judicial boards of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan in the appellate and cassation procedure in the composition of 5 judges. Judges and people's deputies appointed or elected to this court shall take part in the criminal proceedings</p>

	судьялар ва халқ маслаҳатчилари катнашадилар	
Коррупция	атама лотинча «corruptio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «бузиш», «сотиб олиш» деган маъноларни англатади. Ушбу икки сўз коррупциянинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради	the term is derived from the Latin word 'corruptio', which means 'to break', 'to buy'. These two words define the essence of corruption
Коррупция	шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш	the unlawful use of one's position or position for personal gain or the gain of material or intangible benefits for the benefit of others, as well as the unlawful provision of such benefits
Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик	коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш	an act with signs of corruption, for which the legislation provides for liability
Коррупцияга қарши курашиш сиёсати	давлат ва жамиятда коррупциявий хавфларни камайтириш, давлат органлари фаолиятига жамоатчилик ишончини оширишга қаратилган ҳуқуқий, маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар ҳамда ушбу қонунда белгиланган бошқа чора- тадбирлар	legal, administrative and organizational measures aimed at reducing the risks of corruption in the state and society, increasing public confidence in the activities of public authorities, as well as other measures established by this law

<p>Коррупцияга қарши профилактика</p>	<p>коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилишига имкон яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, тизимли ўрганиш, таҳлил этиш ва бартараф этишга қаратилган фаолияти</p>	<p>activities aimed at identifying, systematically studying, analyzing and eliminating the causes and conditions that contribute to the commission of corruption offenses by government agencies implementing anti-corruption policy</p>
<p>Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари</p>	<p>қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиклик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги</p>	<p>the rule of law, the priority of the rights, freedoms and legitimate interests of citizens, openness and transparency, systemic, cooperation between the state and civil society, the priority of measures to prevent corruption, the inevitability of responsibility</p>
<p>Манфаатлар тўқнашуви</p>	<p>шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат ажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва</p>	<p>a situation in which personal (direct or indirect) interest affects or may affect the proper performance of official or official duties, and a conflict between personal interest and the rights and legitimate interests of citizens, organizations, society or the state</p>

	<p>қонуний манфаатлари ўртасида карама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият</p>	
<p>Порахўрлик</p>	<p>пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилиш</p>	<p>taking bribes, giving bribes or mediating in these crimes</p>
<p>Пора бериш</p>	<p>мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали мансабдор шахсга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш</p>	<p>to give material values or property interests to an official, directly or through an intermediary, knowing that it is against the law for an official to take advantage of his official position or to perform a certain action in the interests of the bribe-giver</p>
<p>Жамоатчилик назоратининг шакллари</p>	<p>давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очик хайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш</p>	<p>appeals and inquiries to government agencies, participation in public board meetings, public hearings, public hearings, public monitoring, public expertise, public opinion polls, hearings of reports and information of public officials by citizens' self-government bodies</p>

<p>Қонунийлик</p>	<p>жамият аъзоларнинг ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда уларни амалга оширишларига айтилади. Хизмат кўрсатиш ходимлари касб ахлоқининг қонунийлик принципи қонунларда, фармонларда, буйруқларда кўрсатилган ва белгилаб қўйилган ҳуқуқ нормаларининг талабларини оғишмай амалга ошириш, мавжуд қонунларга қатъий бўйсунган ҳолда ўзига юклатилган хизмат вазифасини инсонпарварликка, адолатга, қонунийликка асосланган ҳолда бажаришдир</p>	<p>members of the society are said to implement them in strict adherence to the norms of law. The principle of legality of professional ethics of service employees is to strictly comply with the requirements of the law, specified in laws, decrees, orders, to perform the duties assigned to them in strict accordance with existing laws on the basis of humanity, justice and legality</p>
<p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари</p>	<p>аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чоратadbирларни амалга ошириш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш</p>	<p>raising the legal awareness and legal culture of the population, the formation of an intolerant attitude to corruption in society; implementation of measures to prevent corruption in all spheres of state and public life; timely detection of corruption offenses, their suppression, elimination of their consequences, the causes and conditions that allow them, ensuring the principle of inevitability of liability for corruption offenses</p>

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Рахбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июндаги “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу маъсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги маърузасидан http://uza.uz/oz/politics/qonun-va-adolat-ustuvorligini-taminlash-barcha-ezgu-ma-sadlar-13-06-2017?sphrase_id=2579526.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

2. Ўзбекистон Республикасининг 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” ги Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722) - сони.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т.: Адолат, 2018.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори.

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги ЎРҚ-515-сон «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони.

III. Махсус адабиётлар

1. Р.Қабулов, А.Отажонов ва бошқ. Жиноят ҳукуқи (Махсус қисм). Дарслик / Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 824 б.

2. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма Т.: ТДЮИ, 2016. – 379 б.

3. Тулаганова Г.З. ва Абдуллаев А.С. Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш. –Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. -72б.

4. С.Саҳадинов. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм. –Т.: Янги аср авлоди, 2014. -10 б.

5. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳукуқи (Умумий қисм). Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 662 б.

6. Базарова Д. Адвокат как участник в досудебных стадиях уголовного процесса: монография/ Д.Б. Базарова; Рецензенты: Б.Б. Хидоятлов, Рец. Д.М. Миразов; ТГЮИ. - Т.: Extremum press, 2011. - 192 с.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.norma.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.law.uk.edu>
5. <http://www.legislature.ru>

VIII. ТАҚРИЗЛАР

Д.Ж.Суюнова томонидан тайёрланган Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун тайёрланган “Жиноят одил судловининг асослари” модули Ўқув услубий мажмуасига

ТАҚРИЗ

Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун Д.Ж.Суюнова томонидан “Жиноят одил судлов” модули бўйича ўқув услубий мажмуаси тайёрланган.

Мазкур мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган.

Мазкур ўқув услубий мажмуаси тингловчиларда жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитиш методикаси, таълим-тарбия вазифалари, мазмуни, метод ва усулларини таҳлил этиш кўникмасини шакллантириш, унинг ўзига хос хусусиятлари, методлари, воситалари, дарс ва унинг турлари ва тузилиши тўғрисида маълумотлар беради. Бундан ташқари, ўқув услубий мажмуада ҳар бир мавзуга доир маъруза матнлари, амалий машғулот материаллари, кейслар ва глоссарийлар ҳамда адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ушбу мажмуа Ўқув услубий мажмуасига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни оммавий эълон қилишга явсия берамиз.

“Жиноят-процессуал ҳуқуқи”
кафедраси мудири, профессор



Д.Базарова